

**Таҳрир ҳайъати раиси:**

Х.Б.Юнусов – СамВМИ ректори,  
б.ф.д., профессор

**Таҳрир ҳайъати:**

Ж.Азимов – ЎзР ФА академиги  
А.И.Ятусевич – РФА академиги  
Э.Д.Джавадов – РФА академиги  
Я.А.Юлдашбаев – РФА академиги  
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси  
Б.Норқобилов – *Ветеринария ва  
чорвачиликни ривожлан-  
тириш давлат  
қўмитаси раиси*

А.Орипов – профессор  
Ҳ.Салимов – профессор  
Ш.Джаббаров – профессор  
А.Даминов – профессор  
Р.Давлатов – профессор  
Қ.Норбоев – профессор  
Б.Б.Бакиров – профессор  
Н.Дилмуродов – профессор  
Б.Элмуродов – в.ф.д.  
Н.Юлдашов – в.ф.д.  
Х.Ниёзов – в.ф.д.  
Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент  
Х.Бозоров – в.ф.н., доцент  
Р.Рўзиқулов – в.ф.н., доцент  
А.А.Белко – ВДВМА доценти  
Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

**Бош муҳаррир вазифасини  
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

**Муҳаррир:**

Дилшод Юлдашев

**Дизайнер:**

Хусан САФРАЛИЕВ

**Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:**

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат қўмитаси  
**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш давлат қўмитаси,  
“AGROZOOVETSERVIS”  
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2018 йил 2 февралда  
0284-ракам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан  
чоп этилмоқда

**Манзил:** 100070, Тошкент шаҳри,  
Усмон Носир, 22.

**Таҳририят манзили:** 100022, Тошкент  
шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй  
Тел.: **99 307-01-68,**

**Фақат телеграмм учун** **97 770-22-35.**

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru

**Адади 3850.**

**Нашр индекси: 1162**

Босишга рухсат этилди: 25.10.2021.

Бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Офсет усулида чоп  
этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #10 (167) 2021

“ALDIN GROUP” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Олмазор кўчаси, 1-уй.

**Бугуннинг гапи**

**А.Даминов, Ж.Юлчиёев** – “О‘zbekistonda qishloq xo‘jaligi va veterinariya ta‘limi: so‘ngi yutuqlar va yangicha yondashuvlar”..... 3

**Юқумли касалликлар**

**Х.С. Салимов, С.А. Ашуров, Н.Э. Юлдашов, Ф.Ф. Зубайдов** –  
Қутуриш касаллиги ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини  
ташқил этиш юзасидан тавсиялар..... 5

**А.Д.Улуғмуродов** – Ишлаб чиқариш шароитида маҳаллий  
бруцелла штампларидан тайёрланган АР, КБР ва КУМБР учун  
ягона бруцеллэз антигенлари билан таққослаб ўтказилган синов  
натижалари ..... 10

**Б.А.Элмуродов, Х.У.Муродов, З.Н. Киямова** – Паррандалар  
ларинготрахеит касаллигининг патоморфологик  
диагностикаси ..... 14

**Юқумсиз касалликлар**

**Д.Қ.Юлдашев** – Кетоз қорамолларнинг кишки турғунлик  
даврида энг кўп учрайдиган юқумсиз касаллиги..... 16

**Ф.А.Худоёрова<sup>1</sup>, Х.А.Хамдамов<sup>2</sup>** – Наслдор қорамолларда туёқ  
касалликларининг олдини олиш..... 18

**Паразитар касалликлар**

**А.С.Даминов, М.Н.Толлиев, Ф.С.Пулотов** – Қорамоллар  
бовиколёзининг Самарқанд вилоятидаги айрим хўжаликларда  
тарқалиш динамикаси..... 21

**Х.А.Сафаров** – Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари  
бўйича чорва моллари гельминтозларининг эпизоотологик  
ҳолати ..... 25

**А.Х.Хушназаров, Р.Б.Давлатов** – Куён эймериозини даволашда  
янги эймериостатикнинг самарадорлиги..... 28

**Ветеринария-санитария**

**О.У.Кулдашев, Ж.Очилов, Н.Хамракулов** – Влияние  
зоогигиенических и технологических режимов на организм  
животных в условиях жаркого климата ..... 30

**Жараён**

**А.Алиқулов** – Ветврачлар ҳузурида бир кун..... 34

**Chairman of Editorial Board:**

X.B. Yunusov – doctor of biology, professor

**Editorial board:**

J. Azimov – academic  
 A.I. Yatusevich – academic RAN  
 E.Dj. Djavadov – academic RAN  
 Y.A. Yuldashbayev – academic RAN  
 D.A. Devrishov – correspondent RAN  
 B. Norqobilov – State Committee of  
 Veterinary and Livestock  
 development of the  
 Republic of Uzbekistan  
 A. Oripov – professor  
 X. Salimov – professor  
 Sh. Djabbarov – professor  
 A. Daminov – professor  
 R. Davlatov – professor  
 Q. Norboev – professor  
 B.B. Bakirov – professor  
 N. Dilmurodov – professor  
 B. Elmurodov – doctor of veterinary  
 N. Yuldashov – doctor of veterinary  
 X. Niyozov – doctor of veterinary  
 B. Narziev – doctor of veterinary  
 X. Bozorov – doctor of veterinary  
 R. Ruzikulov – doctor of veterinary  
 A.A. Belko – dotsent VDVMA  
 D.N. Fedotov – dotsent VDVMA

**Acting Chief Editor:**

Abdunabi ALIKULOV

**Editors:**

Dilshod YOLDOSHEV

**Designer:**

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

**Initiator and leader of the project:**

State Committee of Veterinary and  
 Livestock development of the Republic of  
 Uzbekistan

**Founders:**

State Committee of Veterinary and Live-  
 stock development of the  
 Republic of Uzbekistan,  
 “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and  
 News agency by 0284**

**Address:** 22, Usmon Nosir, Tashkent,  
 100070. Editorial address: 4,  
 Kushbegi, 22  
 Tashkent, 100022  
 Tel.: 99 307-01-68,  
 97 770-22-35

**Web-site:** [www.vetjurnal.uz](http://www.vetjurnal.uz)

**E-mail:** [zooveterinariya@mail.ru](mailto:zooveterinariya@mail.ru)

**circulation:** 3850

**Index:** 1162

Permitted for print: 25.10.2021. Format  
 60x84 1/8 Printed by Offset printing 4,25  
 press works Order #414 Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #10 (167) 2021

Printed by “ALDIN GROUP”  
 Co., Ltd., Tashkent city. 1, Olmazor str.

**Today's sentiment**

**A. Daminov, J. Yulchiyev** – “Agricultural and veterinary education in  
 Uzbekistan: recent achievements and new approaches” ..... 3

**Contagious diseases**

**H.S. Salimov, S.A. Ashurov, N.E. Yuldashov, F.F. Zubaydov** –  
 Rabies and recommendations on its preventive measures ..... 5

**A.D. Ulugmuradov** – Test results compared with single brucellosis  
 antigens for ar, kbr and kumbr prepared from local brucella strains  
 under production conditions ..... 10

**B.A. Elmurodov, X.U. Murodov, Z.N. Kiyamova** – Pathomorphological  
 diagnosis of laryngotracheitis in poultry ..... 14

**Non-contagious diseases**

**D.K. Yuldashev** – Ketosis is the most common non-communicable  
 disease of cattle during the winter stagnation ..... 16

**F.A. Khudoyorova<sup>1</sup>, H.A. Khamdamov<sup>2</sup>** – Prevention of hoof  
 diseases in pedigree cattle ..... 18

**Parasitic diseases**

**A.S. Daminov, M.N. Tolliev, F.S. Pulotov** – Spread dynamics of  
 bovicosis of cattle in some farms of Samarkand region ..... 21

**H.A. Safarov** – Epizootic status of helminthiasis of livestock in  
 Samarkand and Kashkadarya regions ..... 25

**A.Kh. Khushnazarov, R.B. Davlatov** – The effectiveness of a new  
 eimeriostatic in the treatment of rabbit eimeriosis ..... 28

**Veterinary-sanitary**

**O.U. Kuldashov, J. Ochilov, N. Xamrakulov** – Influence of zoogenic  
 and technological regimes on living organisms in conditions of hot  
 climate ..... 30

**Today's talk**

**A. Alikulov** – One day in the presence of veterinarians ..... 34



*Азиз муштариёлар, ветеринария фидойилари, илм-фан соҳасида катта ютуқларни қўзлаётган, изланишдан асло тўхтамаган устозлару иқтидорли ёшлар, республикамизнинг турли чеккаларида жонкуярлик билан меҳнат қилиб, соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ветврачлар, қўмита раҳбарлигида эпизоотик барқарорликни таъминлаб келаётган фидойи инсонлар, барчангизни 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни билан самимий табриклаймиз. Машиақатли, аммо шарафли фаолиятингизда барчангизга омад ёр бўлсин. Соғ бўлинг!*

*Тахририят*



– Иқтидорли, билимга чанқок, хорижий тилларни пухта ўзлаштириб бораётган талаба – устознинг бахти, улар эришаётган ютуқлар том маънода институт нуфузини ҳам оширишга хизмат қилади. Мен ҳар гал давлатимизнинг махсус стипендияси билан ўқиётган талабалар билан учрашганда, орзулари ҳақида сўрайман. Жавоблар ёшлигимни эсга солади. Беихтиёр юртимиз келажаги ишончли қўлларда экан, дея ғурурланиб қўяман, – дейди Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор, профессор Худойназар Бекназарович Юнусов.

XALQARI ANJUMAN

**“O‘ZBEKISTONDA QISHLOQ XO‘JALIGI VA VETERINARIYA TA‘LIMI: SO‘NGI YUTUQLAR VA YANGICHA YONDASHUVLAR”**

Mazkur xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya “586000-EPP-1-2017-PT-EPPKA2-CBHE-JP – BUZNET” loyihasining yakuniy monitoringi hisoblanib, anjumanda Yevropa Ittifoqi 6 ta davlatining 10 ta universiteti vakillari, jumladan Portugaliyaning Portu, Italiyaning Piza va Padua shuningdek, Estoniyaning Tartu Amaliy bilimlar Universitetlarining professor-o‘qituvchilari, Samarqand viloyat hokimligi, Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligi, Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish Davlat qo‘mitasi, Toshkent Davlat Agrar Universiteti, Toshkent Davlat Agrar Universiteti Nukus va Samarqand filiallari, Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar institutidan mutasaddilar va olimlar ishtirok etdilar.

Xalqaro tadbirning asosiy maqsadi – rivojlangan mamlakatlarning oliy ta‘lim va ishlab chiqarish kooperatsiyasi sohasidagi tajribalarini o‘rganish, O‘zbekistonda chorvachilik, veterinariya sohasini rivojlantirish orqali oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash, shuningdek bu borada tajriba almashishdan iboratdir.

“BUZNET” (O‘zbekistonda veterinariya tarmog‘ida uyg‘unlashgan ta‘lim – B-learning Uzbekistan Veterinary Network) xalqaro ta‘lim loyihasi O‘zbekistonda chorvachilik va veterinariya sohasini rivojlantirish, oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash hamda ushbu sohada dunyo standartlariga javob beradigan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashga qaratilgan.



Ushbu loyihaning asosiy maqsadi veterinariya, zootexniya va veterinariya-sanitariya ekspertizasi ta‘lim yo‘nalishlarida talabalarni o‘qitish sifatini yanada yaxshilash, ya‘ni amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlarini o‘qitishda talabalarining bevosita ishtirokini ta‘minlagan holda ularda kasbiy malaka va ko‘nikmalarni shakllantirish hamda o‘quv dasturlarini jahon tajribalari asosida shakllantirishdan iboratdir.

Ushbu loyihaning bosh vazifasi Yevropa mamlakatlari veterinariya ta‘limi asosida mamlakatimizda mavjud veterinariya ta‘lim tizimini tubdan isloh qilish, yangi o‘quv rejalar, o‘qitish metodikalari ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish, professor-o‘qituvchilarning malakasini oshirish hamda klinik





veterinariya xizmati bo'yicha fermer va chorvadorlarga amaliy yordam ko'rsatishni takomillashtirishdan iborat.

Konferensiyadan oldin loyiha koordinatorlari, hamkor univesitetlar vakillari, Yevropa Ittifoqining loyihalarni baholovchi ekspertlari tomonidan SamVMIda loyihaning bajarilishini nazorat qilish, keltirilgan klinik va laboratoriya jihozlaridan foydalanish monitoringi o'tkazildi.

Loyiha 2016-yilda boshlangan va 5 yil muddatga mo'ljallangan loyiha doirasida O'zbekistonda amalga oshirilgan ishlarni muvaffaqiyatli deb hisoblash mumkin. Loyiha doirasida SamVMI va boshqa hamkor institutlarga 100 ming AQSh dollari miqdoridagi jarrohlik hamda sut va sut maxsulotlari sifatini nazorat qilish bo'yicha laboratoriya jihozlari keltirilgan.

Loyiha faoliyati davomida veterinariya meditsinasi sohasi o'quv rejalarini takomillashtirish, 5 yilga mo'ljallangan o'quv reja ishlab chiqish, Yevropa mamlakatlari va oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish sanoati borasida tajriba almashish, bilim va ko'nikmalarni o'rtoqlashish bo'yicha trening kurslarini tashkil etish kabi muhim vazifalar bajarildi. Loyiha natijasida mamlakatimizda veterinariya ta'limi salohiyatini oshirishda rivojlangan mamlakatlarning ilg'or tajribalarini amaliyotga joriy etish, o'quv dasturlarini jahon talablari darajasida shakllantirishga imkon yaratiladi.

Konferensiyaning ochilish marosimida loyiha koordinatori Avgusto Faustino, O'zbekiston davlat veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo'mitasi raisining birinchi o'rinbosari Sh. Djabbarov, Yevropa Ittifoqi O'zbekistondagi elchixonasining xalqaro hamkorlik bo'yicha vakili Francois Begeot, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi boshqarma boshlig'i A. Xoliqov, Qishloq xo'jaligi vaziri maslahatchisi Alisher Shukurov, "Erasmus plus" offisi bosh mutaxassisi K.Bahodirov, Samarqand viloyat hokimi o'rinbosari F.Abilov hamda institut rektori X.Yunusovlar so'zga chiqib, mamlakatlar o'rtasidagi hamkorlik, soha rivoji bo'yicha bajarilayotgan ishlar va loyiha haqida fikrlar bildirib, konferensiya ishiga muvaffaqiyatlar tiladilar.

Shundan so'ng loyiha koordinatori Avgusto Faustino o'zining O'quv dasturlarini ishlab chiqish muammolari va muammolari mavzusidagi ma'ruzasini havola etdi. Ochilish marosimi yakunida hukumat vakillari va akademik mutaxassislar ishtirokida "Veterinariya va qishloq xo'jaligi siyosati fanga mos kelganda" panel muhokamasi o'tkazildi.

Konferensiya o'z ishini quyidagi seksiyalar bo'yicha ikki kun mobaynida davom ettirdi:

- Veterinariya fanlari;
- Oziq-ovqat texnologiyasi va oziq-ovqat xavfsizligi;
- Hayvonot fanlari;
- Chorvachilik va oziq-ovqat iqtisodiyoti.

Konferensiyada jami 18 nafar xorijiy hamda 10 nafar mahalliy olimlarning ma'ruzalari onlayn va zoom orqali eshitildi.

Konferensiya yakunida loyihaning yakuniy xisoboti eshitildi va mutaxassislik bo'yicha zamonaviy adabiyotlar talabalarga topshirildi.

Shuningdek, hamkor institutlar va mahalliy OTMlar bilan kelgusida olib boriladigan hamkorlik, muammolar va ularning yechimlari bo'yicha kelishuvlar olib borildi.

**A.Daminov,  
J.Yulchiyev**



УДК 619..616-006.446..636.2

Х.С. Салимов, ветеринария фанлари доктори, профессор, ВИТИ  
С.А. Ашуров, ветеринария фанлари номзоди,  
Н.Э.Юлдашов, ветеринария фанлари доктори, Ветеринария  
дори воситалари, озуқабон қўшимчалар сифати ва муомаласи  
назорати бўйича илмий маркази,  
Ф.Ф. Зубайдов, кичик илмий ходим, ВИТИ

## ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

### Аннотация

В данной статье приведены сведения по эпизоотологии, распрост-ранения течения и клинических проявления, вопросы диагностики, вакцинация, а также меры борьбы и профилактики бешенства животных.

**Калит сўзлар:** кутуриш, вирус, полиэнцефаломиелит, диагностика, фалажланиш, вакцина, ит, мушук, ёввойи ҳайвонлар.

**Долзарблиги.** Кутуриш – ўткир кечувчи ўта хавфли зооантропоноз инфекцион вирус касаллиги бўлиб, марказий нерв тизимининг оғир жароҳатланиши полиэнцефаломиелит билан характерланади ва албатта ўлим билан яқунланади. Касаллик қўзғатувчиси РНК сақловчи нейротроп вирус ҳисобланиб, рабдовириди оиласига мансуб.

Касаллик қўзғатувчи вируснинг кўча (эпизоотик) ва (фикс-вирус) турлари мавжуд. Вируснинг табиатдаги кўча тури ўзининг патогенлиги ва антиген структураси билан ажралиб туради.

Фикс-вирус тури эса кўча турдаги вирусининг куёнларга пассаж йўли билан олинган бўлиб, улар вакцина ишлаб чиқариш учун кенг ишлатилиб келинмоқда.

Кутуриш касаллиги билан барча турдаги иссиқ қонли ҳайвонлар ва одамлар касалланади (2,3,5). У ўта хавфли инфекцион касалликлардан бири ҳисобланади. Кутуриш касаллигини табиатда барқарор сақлашда ва тарқатишда ёввойи йиртқич ҳайвонлар, кўршапалаклар, кемирувчилар асосий ўрин эгаллайди. Ҳар йили бутун дунё мамлакатларида 60-65 мингдан зиёд одамлар ва 1 млн га яқин ҳар турдаги ҳайвонлар кутуриш касаллигидан ўлади. Фақат Осиё мамлакатларида йилига 15 млн га яқин одам кутуриш касаллигига қарши антирабик ёрдам олади. Охирги йилларда кутуриш касаллиги бўйича оғир эпизоотик ва эпидемиологик вазият дунёнинг 110 та мамлакатларида қайд этилган (4).

Касаллик бўйича оғир эпизоотик вазият Африка, Осиё ва Лотин Америкаси давлатларида сақланиб қолмоқда. Европа мамлакатларида кутуриш касаллигига қарши уй ва ёввойи ҳайвонларни мунтазам эмлаш ва ёввойи йиртқич ҳайвонлар сонини назорат қилиш ва касалликка қарши самарали чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида эпизоотик вазият нисбатан

### Annotation

This article provides information on epizootology, the spread of the course and clinical manifestations, issues of diagnosis, vaccination, as well as measures for the control and prevention of animal rabies.

барқарор ҳисобланиб, кўпгина давлатларда касаллик барҳам топган. Кутуриш касаллиги Антрактида континенти ҳамда Янги Зеландия, Англия, Япония ва Европанинг баъзи мамлакатлари Норвегия, Швеция, Испания ва Португалиядан ташқари дунёнинг барча мамлакатларида кенг тарқалган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили кутуриш касаллиги билан касалланган ва гумон қилинган уй ва ёввойи ҳайвонлар 4,1 млн нафар одамларга жароҳат етказиши аниқланган[1].

Кутуриш касаллигига қарши курашиш ва профилактик тадбирларни ташкил этишда касаллик бўйича эпизоотик ўчоқ, носоғлом ҳудуд ва хавфли ҳудудларни фарқлаш ва уларнинг жойлашган жойини аниқлаш ўта муҳим.

Эпизоотик ўчоқ – кутуриш касаллиги аниқланган хонадон, уй, чорвачилик бинолари, ёзги чўл ва ўрмон ҳудудларидаги яйловлар, подалар, отарлар ва бошқалар ҳисобланади.

Носоғлом ҳудуд – аҳоли пункти ёки аҳоли пунктининг бир қисми, чорвачилик фермаси, фермер хўжалиги, ўрмон ва чўл ҳудудларидаги яйловларда боқиладиган ҳайвонларда кутуриш аниқланган ҳудудлар.

Хавфли ҳудуд – инсонлар ва ҳайвонларга касаллик юкиш хавфи мавжуд бўлган ҳудудлар, ёввойи ҳайвонлар яшайдиган тоғ, ўрмон ва чўл ҳудудлари, улардаги касалликнинг фаоллашган табиий ўчоқлари.

Кутуриш касаллигининг асосий манбалари ёввойи йиртқич ҳайвонлар (тулки, бўри, ёввойи мушук, чиябўри ва бошқ.), кўршапалаклар ҳамда кемирувчилар бўлиб, улар табиатда касаллик резервуари ҳисобланади. Шу сабабли табиатда ёввойи ҳайвонларнинг кўпайиши қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва одамлар учун кутуришнинг тарқалишига олиб келади.

Кутуриш вируси бошқа кўпгина инфекция касалликларнинг кўзгатувчиларига нисбатан ташқи муҳит шароитларига чидамли ҳисобланади. Юқори ҳарорат 60°C да 5-10 дақиқа, 50°C да 60 дақиқа ва 20-23°C да ташқи муҳитда 28-30 кун фаол сақланади. Ҳайвон миясида музлатилган ҳолда 40 кундан 10 йилгача, -4°C ҳароратда бир неча ой, -25°C ҳароратда эса 20-22 кунгача, Ҳайвонларнинг сўлагига вирус 24 соатгача, қуёш нурида 37°C ҳароратда 40 соатда, 16+18°C ҳароратда 3-4 кунгача, ернинг устки қатламида эса 2-3 ойгача фаол сақланади. Вирусни ултрафиолет нурлари 5-10 дақиқада ўлдиради, қуритилган (лиофиллашган) ҳолда кутуриш вируси кўп йиллар давомида фаол сақланади. Дезинфекцияловчи воситалардан 1-5 % хлорли оҳак ва формальдегид эритмалари 5 дақиқада, 70 % ли спирт эритмаси 5 дақиқада, 1% совун эритмаси 3-5 дақиқада вирусни фаолсизлантиради.

**Кутуриш касаллигининг клиник белгилари.** Улар барча турдаги Ҳайвонларда қарийб бир хил. Кутуриш касаллигининг яширин даври бир неча кундан 1 йилгача, кўп ҳолларда 3-6 ҳафта давом этиб, унинг муддати Ҳайвоннинг ёшига, турига, вирус кирган жойнинг бош мияга яқинлигига, вируснинг вирулентлиги ва организмга кирган миқдорига боғлиқ бўлади.

Кутуриш касаллигининг Ҳайвонларда клиник ривожланиши яширин, ўткир ва фалажланиш босқичларида кечади.

Яширин босқичда Ҳайвонларда безовталаниш, хулқининг ўзгариши, иштаҳанинг йўқолиши, овқат ейишда қийналиш, луқмани юта олмаслик каби белгилар кузатилади. Ҳайвон ёруғлик ва шовқинга жуда сезгир бўлади, тана ҳарорати меъёрдан 0,5 -1,5°C кўтарилади, оғзидан сўлак оқади, қусиш, кўрқув аломатлари пайдо бўлади. Бундай патологик ҳолатлар 12 соатдан 3 кунгача давом этади, кейинчалик ютиш мушаклари фалажланиши натижасида Ҳайвоннинг жағи осилади, тили чиқади, сўнгра бўйни, орқа ва олдинги оёқларда фалажланиш бошланиб, 4-5 кундан кейин нафас олиш ва қон айланиш системасининг бузилиши натижасида нобуд бўлади.

Ўткир босқичда сезиш фаолияти издан чиқиб, касалланган Ҳайвоннинг хулқи ўзгаради, иштаҳаси бузилади, эгасига ташланади, ёғоч, темир, тахта каби нарсаларни ғажийди, тана ҳарорати кўтарилади ва тажовузкор ҳолда эгасига, бегона кишиларга ташланади, кўрқув йўқолиб, узоқ масофаларга қочади, дуч келган одам ва Ҳайвонларга ташланиб, жароҳат еткази. Кейинчалик томоқ мушаклари, пастки жағ фалажланиши натижасида тили осилади, Ҳайвоннинг оғзидан кўп миқдорда сўлак ажралади.

Фалажланиш босқичида оғриқни сезиш хусусияти пасаяди ва ҳатто бутунлай йўқолади, томоқ мушаклари, пастки жағ фалажланиши натижасида тили осилиб қолади, кўп миқдорда сўлак оқиши кузатилади, орқа оёқлари фалаж бўлиб, кейин олдинги оёқларга ўтиши мумкин. Бу ҳолатлар 3-4 кун давом этиб, нафас олиш ва қон айланиш

тизимлари фаолиятининг бузилиши натижасида Ҳайвон ўлади.

Итларда касаллик асосан ўткир ва фалажлик босқичларида кечади. Касалликнинг яширин даври 3-6 ҳафта давом этиб, у Ҳайвоннинг ёшига қараб, 15 кундан 150 кунгача давом этиши мумкин. Ўткир босқичда тинч, шиддатли ва фалажланиш даврлари намоён бўлади. Уларда қусиш, оғзидан сўлак оқиш, кўз қорачиғи кенгайиши натижасида ғилайлик ҳолати кузатилади. Овқат ейишда, айниқса ютишда қийналади, ҳар хил товушларга сезгирлиги ошади, кўпинча ит қоронғи жойга яширинишга уринади.

Касалликнинг ўткир босқичида итларда кўрқув умуман йўқолади, депрессив ҳолатда бўлиб, асабийлашади, қочишга ҳаракат қилади, ўзи яшаган уйдан қочиб, бир неча км масофани босади, дуч келган одамларга ва Ҳайвонларга ташланади, уларга жароҳат еткази. Агар ит қафасда бўлса, у қаттиқ безовталанади ва тагида тўшалган нарсалар-темир, тахта, идишлар ва қафас панжаларни ғажийди, ноодатий, еб бўлмайдиган нарсаларни ютади. 3-4 кундан кейин пастки жағ фалажланиб тили осилади, итнинг овози пасайиб, товуши ўзгаради, оғзидан кўп миқдорда сўлак оқади, овқат ейиши қийинлашади, орқа оёқлари, кейинчалик олдинги оёқлари фалажланади. Бу ҳолат 2-4 кун давом этади ва ит ўлади. Баъзи ҳолларда итларда касалликнинг фалажланиш босқичи, кучли безовталаниш, қусиш, оғзидан сўлак оқиш, кўзлари чақчайиб, қорачиғи кенгайиши кузатилади. Иштаҳаси бузилиши натижасида ит 24-36 соат давомида ўлади.

Мушукларда кутуриш касаллигининг яширин даври 10 кундан 250 кунгача давом этиши мумкин. Касаллик асосан ўта ўткир кечади, улар тажовузкор ҳолатда бўлади, иштаҳаси йўқолади, безовталанади, оғзидан сўлак оқади, атроф-муҳитдаги шовқинларга таъсирчан бўлиб, умуман кўрқмайди, одамларга ташланиб, тишлайди, тирнайди. 2-3 кундан кейин томоқ мушаклари фалажланиб, кейинчалик бу жараён орқа ва олдинги оёқларига ўтади, 7-10 кун ичида нафас олиш ва қон айланиш тизимининг бузилиши натижасида нобуд бўлади.

Қорамоллар, қўй ва эчкиларда кутуриш касаллигининг яширин даври 2 ҳафтадан бир неча ойгача, баъзан 18 ойгача давом этади. Касаллик тинч, ўткир ва фалажланиш шаклларида кечади. Касаллик бошланишидаги клиник белгилар ўзига хос аниқ бўлмайди, Ҳайвон асабийлашади, кўрқув аломатлари кузатилади, иштаҳаси йўқолади, чайнаш ва ютиш қийинлашади, оғзидан сўлак оқиши кузатилади, касаллик кўпроқ тинч шаклда ўтади.

Касаллик ўткир кечганда қорамолнинг хулқи ўзгаради, тажовузкор ҳолда бўлиб, деворларни, тўсиқларни шохлайди, безовталанади, терлайди, одамларга ва бошқа Ҳайвонларга ташланади, кавш қайтариш йўқолади, оғзидан кўп миқдорда сўлак оқади, оёқлари билан ерни қовлайди. 3-4 кун ўтгач, олдин томоқ, кейинчалик орқа ва олдинги оёқлар фалажланади, нафас



олиш ва қон айланиш тизими аъзолари фаолиятининг бузилиши оқибатида ҳайвон ўлади.

Ёввойи ҳайвонлар: тулки, бўри ва чиябўриларда касалликнинг яширин даври 10-50 кунгача бўлиб, жуда оғир кечади, уларда кўпинча шиддатли ва фалажланиш босқичлари кузатилади. Касалликнинг характерли энцефалит белгилари ривожланиб, безовталаниш ва тажовузкор ҳолатлар кузатилади, қўрқув бўлмайди, узоқ масофаларга кетади, аҳоли яшайдиган пунктларга, чорвачилик ҳудудларига кириб, одамларга ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларига ташланади, жароҳат етказиши, оғзидан сўлак оқади. Тана ҳарорати 1-3<sup>0</sup>С га кўтарилади, кўзлари чакчаяди, оғиз-жағ мушаклари, юз нерв толалари фалажланади, кейинчалик орқа, олдинги оёқлари фалажланиб, юриш координацияси бузилади, тана ҳарорати 1-2<sup>0</sup>С га тушади ва 2-3 кундан кейин ҳайвон ўлади.

Бўриларда касаллик ўта тажовузкор ҳолатда кечиби, касал бўрилар 150 км масофани босиб ўтади ва дуч келган одам ва ҳайвонларга ташланиб, уларга жароҳат етказиши, касаллик 3-4 кун давом этади. Орқа ва олдинги оёқлари фалажланиши ҳамда қон айланиш ва нафас олиш тизими аъзоларининг фаолиятлари бузилиши натижасида ўлади.

**Касаллик диагностикаси.** Қутуриш касаллигига комплекс эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилар ва лабораториявий текширишлар асосида диагноз қўйилади. Текшириш учун майда ҳайвонларнинг жасадлари, йирик ҳайвонларнинг боши белгиланган тартибда ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда йўлланма хат билан лабораторияга юборилади. Қутуриш касаллигига тўғри ташхис қўйиш олинган патологик материалнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда қутуришга ташхис қўйиш жуда кўп лаборатория текшириш усуллари орқали амалга оширилади. Бош миянинг барча бўлимларидан буюм шишчасига юпқа босма суртмалар тайёрлаб, уни Муромцев ёки Селлерс усулида бўяб, ёруғлик микроскопда нейрон ҳужайралари цитоплазмасида “Бабеш Негри” киритмаларини аниқлаш мумкин. Бу энг тез ва содда усул ҳисобланади. Аммо ушбу усул ёрдамида касалликка 65-85% ҳолатларда ишончли диагноз қўйиш мумкин. Кейинги йилларда люминисцент микроскоп ёрдамида иммуофлуоресценция реакциясида (ИФР), шунингдек замонавий иммуофермент таҳлил (ИФТ) ва полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усуллари орқали касалликка ишончли диагноз қўйилади. Ушбу усуллар 98-100% ҳолатларда ишончли бўлади. Биологик синов усули бу касалликка мойил оқ сичқонлар миясига қутуришга гумон қилинган ҳайвон миясидан тайёрланган 10%ли суспензияни юборишдан иборат бўлади. Ушбу усул энг ишончли, бироқ узоқ муддат (6-10 кун) талаб этади.

Қутуриш касаллигига ўхшаш клиник белгилар билан кечадиган: ауэски, листериоз, итларда ўлатдан, отларда энцефаломиелитдан ва бошқа тур ҳайвонларда захарли моддалар билан захарланишдан фарқлаш талаб этилади. Ауэски касаллигида тажовузкорлик, иштаҳанинг айниши, пастки жағ осилиши каби белгилар кузатилмайди. Итларнинг ўлатида касаллик секин ривожланади, тез тарқалади ва уни даволаш мумкин. Ўлатда фалажлик, пастки жағ осилиши кузатилмайди. Отларнинг энцефаломиелитидан шиллик пардалар сарғаяди, тажовузкорлик бўлмайди, иштаҳа йўқолиши, пастки жағ осилиши, фалажлик кузатилмайди, айрим отлар касалликдан тузалиши мумкин. Бундай ҳолатлар захарли моддалар билан захарланишда ҳам кузатилмайди. Юқорида таъкидланган, микроскопик, биосинов, молекуляр-генетик ва иммунологик (ИФТ, ПЗР, ИФР, ИДР, НР) усуллар ёрдамида ўхшаш касалликлардан фарқланади.

**Касаллик профилактикаси.** Касалликнинг олдини олиш тадбирлари умумий ва махсус профилактика тадбирларидан ташкил топади.

**Умумий профилактика тадбирлари.** Табиатда ёввойи ҳайвонлар касаллик қўзғатувчисининг барқарорлигини таъминлайди. Касаллик бўйича эпизоотиянинг интенсив ривожланиши табиатда ёввойи ҳайвонларнинг, айниқса, тулкилар, чиябўри, бўриларнинг кўпайишига боғлиқ. Шунинг учун табиатда ёввойи ҳайвонлар сонини назорат қилиш тадбирларини ветеринария хизмати, табиатни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжаликлари билан ҳамкорликда ўтказиши ҳамда ушбу масала бўйича доимий мониторинг олиб бориш касалликка қарши курашишда муҳим омил ҳисобланади [1,3].

Ёввойи йиртқич ҳайвонлар сонини тартибга солиш ва қишлоқ хўжалик, уй ҳайвонларини, уларнинг хужумидан ҳимоя қилиш керак. Бунинг учун овчилар жамияти ва ўрмон хўжалиги ходимлари билан ҳамкорликда тулки, бўри, чиябўри ва бошқа ёввойи ҳайвонлар сони 10 км<sup>2</sup> майдонда 0,5-1 бошдан ошмаслигига эришиш, уларнинг феъли ўзгариши ёки касалланишига гумон қилинганда ёки ўлган жасади топилса, дарҳол ветеринария мутахассисларига хабар бериш зарур. Туманлар ветеринария бўлимлари томонидан ҳар йили ташкил этиладиган қутуришга қарши курашиш ойлиги даврида ободонлаштириш бўлимидаги махсус ит ушлаш бригадалари, ички ишлар ва маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) вакиллари билан ҳамкорликда қутуриш касаллиги тарқатувчиси ҳисобланган ит ва мушукларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳар йили қайтадан рўйхатдан ўтказиш вақтида ушбу касалга қарши эмлашни ташкил этиш қутуришнинг олдини олишда бебаҳо тадбир ҳисобланади. Аҳоли яшаш жойларида ит ва мушукларни сақлаш қоидаларига қаттиқ риоя қилиш талаб этилади. Хўжалик ва корхоналардаги фойдали ҳамда эгали итлар, шунингдек боғланмаган ҳолдаги ов итлари ҳам кўчада, истироҳат боғида, бозор ва оромгоҳда эгасиз юрса, *дайди* ҳисобланиб, ушланиши ва ветеринария мутахассиси қонун доирасида уларга чора кўриши зарур.

Қутурган ит, мушук ёки ёввойи ҳайвонларнинг тишлаши вақтида уларнинг сўлаги билан вирус инсонлар ва ҳайвонларга жароҳатланган тери ва шиллик

пардалар орқали юқади. Шу сабабли қутуришнинг олдини олиш мажмуасида касаллик қўзғатувчиси манбаи, вируснинг ўтиш механизми ва унга мойил ҳайвонлар звеноларидан ташкил топган эпизоотик занжирнинг асосий (ҳал қилувчи) звеносини аниқлаш, уни узишга эришиш жуда муҳим рол ўйнайди. Қўзғатувчининг резервуарига қараб касалликнинг шаҳар ва табиий турлари фарқланади. Шаҳар туридаги қутуриш касаллиги вируси тарқатувчиси дайди, назоратсиз итлар ва мушуклардир. Табиий турдаги касаллик қўзғатувчиси манбаи бўлиб асосан ёввойи йиртқич ҳайвонлар (тулкилар, бўрилар, чиябўрилар ва бошқалар) ҳисобланади.

Касаллик йилнинг ҳар қандай фаслида тарқалиши мумкин, аммо қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари орасида кўпроқ куз, қиш ва баҳор мавсумида ёввойи ҳайвонларнинг жуфтлашиш, урчиш даврида кўп учрайди. Вояга етган урғочи ёввойи ҳайвонлар (бўри, чиябўри, тулки, қарсок, тўқай мушуги, жайра ва бошқ.) асосан кузда куйга келади, бўғозлик даври 2 ойгача (бўрида 59-62 кун), улар тукқан “бола”ларини 3-4 ҳафта эмизади, кейин уларни оила бошлиқлари (“ота” ва “она”) кузгача ўзлари билан бирга олиб юради ва топган озуқасини “бола”лари билан баҳам кўради. “Она” ҳайвон куйга келиш олдидан “бола”ларини оиладан мустақил ҳаётга ҳайдайди. Шунинг учун 7-8 ойликдан катта ёввойи ҳайвонлар ўзига озуқа топиш мақсадида аҳоли пунктларига яқинлашади ва улар биринчи навбатда итларга дуч келади. Уларнинг ўзаро тишлашиши оқибатида қутурган ёки касалликнинг инкубацион даври (касалланишдан 10 кун олдин қутуриш вируси унинг сўлагига бўлади!!!) кечаётган ёввойи ҳайвон сўлаги орқали вирус тишланган итга ўтади. Шунинг учун ҳам куз, қиш ва баҳор ойларида қутуриш касаллиги қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонлари орасида қайд қилина бошлайди. Ўша вақтда барча итлар қутуришга қарши эмланган бўлса, уларда қутуриш вирусига қарши шаклланган иммунитет туфайли улар қутурмайди, чунки қутурган ёввойи ҳайвондан ўтган вирус соғлом итга сўлак билан киргани билан итлардаги қутуришга қарши антителолар вирусни нейронларга киришига йўл қўймайди, вирус қўпая олмайди, эпизоотик занжир узилади, эпизоотик жараён қузатилмайди.

Бошқа вилоят ва туманга ит сотиш ва олишда, уларни ташишда, албатта унинг соғлиги ва қутуришга қарши эмланганлиги тўғрисида маълумот ветеринария гувоҳномасида қайд этилган бўлиши керак.

Хўжалик, корхона раҳбарлари ва фуқаролар ўз вақтида ўзларига тегишли ит, мушукларини маҳаллий ветеринария мутахассислари кўригидан ўтказиши, қутуришга қарши вакцина билан эмлатиши, эмланмаган итларни умуман ҳовлидан ташқарига, подага, сурувга, отлар уюрига чиқармаслик чораларини кўриши шарт.

Ҳайвонлар орасида қутуриш касаллигининг олдини олиш учун мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча турдаги қишлоқ хўжалик ва корхона раҳбарлари

ҳамда барча фуқаролар куйидагиларга амал қилишлари шарт:

- касалликнинг олдини олиш учун биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонларини ёввойи ҳайвонлар ҳужумидан муҳофаза этиш;

- аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш қоидаларига ҳамда гигиена ва ветеринария санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш;

- қутуриш касаллигига қарши профилактик эмлашни ташкил қилишда аввало ит ва мушукларнинг аниқ сонини аниқлаш ҳамда ветеринария муассасаларида уларни рўйхатга олиш ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш;

- итларни очиқ жойларда, айниқса жамоат жойларида сайр қилдирганда, албатта, бўйинбоққа маҳкам боғланган 1-2 метр узунликдаги занжир ёки арқонда, тумшук тасмасида бўлишини таъминлаш;

- кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида қаровсиз юрган ит ва мушуклар ҳатто бўйинбоғи ва жетони бўлган ҳолда ҳам уларнинг зотидан қатъий назар тутиб олиш ва дайди итга бўлган муносабатда бўлиш;

- ит ва мушукларни сотиш, сотиб олиш, олиб келиш ва олиб кетишга унинг индивидуал гувоҳномаси, рўйхатдан ўтганлиги, соғлиги, кимга тегишлилиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйиш;

- давлат ветеринария бўлимлари томонидан аҳоли пунктларидаги барча итлар рўйхатга олинishi ҳамда эгаларига белгиланган тартибда итларни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш ва ҳар йили итларни қайта рўйхатдан ўтказиш;

- жароҳат етказган ит, мушук ва бошқа ҳайвонлар ободонлаштириш бошқармаси ҳузуридаги ит тутиш бўлимлари томонидан тутиб олинishi ҳамда ветеринария муассасаларига касаллик белгиларини кузатиш учун келтирилиши, 10 кун давомида ветеринария мутахассислари томонидан кузатилиши, шу давр мобайнида касаллик белгилари кузатилмаса, ҳайвон эмланиб, эгасига қайтарилиши, агар ҳайвон қутуриш касаллиги билан касалланиб ўлса, ундан ветеринария қонун-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, бош мияси олиниб, ветеринари лабораториясига йўлланма хат билан юборилиши, ўлган жасад эса қутуришга қарши курашиш “Йўриқнома”си асосида йўқотилиши зарур.

Ит, мушук ва бошқа ҳайвонлар томонидан жароҳат олган инсонлар дарҳол туман ёки участка тиббий касалхонасидаги шифокорга мурожаат этиши ва қутуришга қарши тиббий ёрдам олиши керак.

Ҳайвонларнинг махсус профилактикаси қутуришга қарши эмлашдан ташкил топади. Бунда барча ит, мушуклар ва стационар носоғлом манзилларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари республикамизда рўйхатга олинган вакциналар билан эмланиши шарт.

Ҳозирги кунда республикамизда қутуришга қарши куйидаги вакциналар давлат рўйхатига олинган



бўлиб, ҳайвонларни профилактик эмлашда қўллаш йўриқномасига асосан эмлаш тавсия этилади: курук культурал фаолсизланган антирабик вакцина (Россия-ВНИИЗЖ), БелНИИЭВ-ВГНКИ-71 штаммидан тайёрланган суяқ культурал фаолсизланган антирабик вакцина “Белраб” (Белорусь) ва бошқалар.

Охирги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Европа мамлакатларида (РФ), шунингдек, ўзимизда табиатда ёввойи ҳайвонларни, дайди ит ва мушукларни қутуришга қарши профилактик эмлашда оғиз орқали эмлайдиган ҳар хил хўрақларда (гўшт, тухумли ва бошқ.) тайёрланган вакциналар эпизоотик барқарорликни сақлашда кенг қўлланиб келинмоқда. Шу йўл билан эмланган ёввойи ҳайвонларда 12 ой давомида мустаҳкам иммунитет сақланиши аниқланган бўлиб, хавфли ҳудудларда ёввойи ҳайвонлар орасида ушбу касаллик бўйича эпизоотик вазиятни барқарор сақлашда муҳим ўрин эгалламоқда [1].

**Носоғлом пунктда касалликни бартараф этиш тадбирлари.** Қутуриш касаллиги қайд қилинган аҳоли пункти, ферма ёки хўжалик туман ветеринария бош нозирининг тақдимномасига мувофиқ, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан касаллиги бўйича носоғлом деб эълон қилинади ва чеклов чоралари белгиланади.

Унга мувофиқ носоғлом манзилда қуйидаги ишлар амалга оширилиши белгиланади:

- касаллик бўйича носоғлом ва хавфли ҳудуд чегараларини аниқлаб, касалликни бартараф этиш тадбирлари бўйича комплекс режа ишлаб чиқилади ва ушбу тадбирларни бажаришга жавобгар шахслар тайинланади;

- касал, касалликка гумон қилинган ит ва мушуклар ободонлаштириш бошқармаси ҳузуридаги ит ушлаш бригадалари томонидан тутиб олиниши ва белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим;

- аҳоли пунктларидаги эгасиз дайди ит ва мушукларнинг кўпайиб кетиши касалликнинг тарқалишида асосий омил бўлиб хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда, уларни қутуришга қарши оғиз орқали эмлайдиган хўрақли антирабик вакцина билан эмлаш чораларини ташкил этиш зарур;

- қутуриш касаллиги бўйича стационар носоғлом хўжалик ва аҳоли яшаш пунктларида барча қутуришга мойил ҳайвонлар антирабик вакцина билан эмланади, касалланиб ўлган ҳайвон жойи, унинг сўлаги билан ифлосланган инвентарлар дезинфекция қилинади;

- ёввойи йиртқич ҳайвонлар орасида қутуриш касаллиги аниқланса, табиатни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжаликлари ва овчилик жамияти билан ҳамкорликда улар сонини 10 км<sup>2</sup> майдонга 0,2-0,5 бошдан зиёд қолдирмаслик чоралари қўрилади; ёввойи йиртқич ҳайвонлар сонини 50 км<sup>2</sup> майдонда масофадан кузатиш ёки улар яшайдиган камида 100 та инларга кириш жойига ҳайвон излари қўринадиган майин тупроқ сепади, кейин ёки қорда уларнинг излари аниқланади; ёввойи ҳайвонлар сонини камайтиришда уларни отиш-

дан ташқари, инига ҳар хил заҳарли дорилар (газ тутатиш [синил кислота, циан “Цимаг”, водород фосфориди, хлорпикрин, “Циклон” ва б.], натрий фтор ацетати, барий фтор ацетати, цианидлар, стрихнин ва ҳ.з.) юбориб заҳарлаш жуда самарали усул ҳисобланади;

- хўжалик, корхона раҳбарлари ва МФЙ раислари ўзаро ҳамкорликда носоғлом аҳоли пунктидаги барча ит ва мушукларни (маҳаллий ветеринария мутахассислари томонидан) эмлаш тадбирларини ташкил этишлари шарт;

- туман ветеринария бўлими томонидан кенг омма орасида касаллик моҳияти, ҳайвонларни қутуриш касаллигидан ҳимоя қилиш тўғрисида тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши талаб этилади;

- ёввойи йиртқич ҳайвонлар ва эгасиз ҳайвонларни (ит, мушук ва бошқалар) тутиш, ўлган ҳайвонлар жасадларини йиғиштириш ва белгиланган тартибда йўқ қилиш туман, шаҳар ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилади;

- чеклов тадбирлари бекор қилинишидан олдин хўжалик раҳбарлари, ҳайвон эгалари бош ветеринария врачининг кўрсатмасига биноан қутуриш касаллиги аниқланган чорвачилик биноларининг хоналарида, ҳайвонларни яйратиш майдончаларида, асбоб-анжомларда белгиланган тартибда якуний дезинфекция ва дератизация тадбирларини бажаришлари шарт.

- хўжаликка, аҳоли пунктига қўйилган қутуриш касаллиги бўйича чеклов чора-тадбирлари ўтказилиб, охирги касал чиққандан 2 ой ўтгач, ветеринария бош нозирининг ёзма тақдимномасига асосан туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан чеклов бекор қилинади.

Юқорида баён этилган тадбирларни умумлаштириб, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қутуриш касаллигига қарши курашиш ва унинг олдини олишда ветеринария, тиббиёт, ички ишлар, ободонлаштириш, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза этиш, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, чорвачилик хўжаликлари, корхона, ташкилот раҳбарлари, овчилар жамияти ва бутун жамоатчилик биргаликда фаол хизмат кўрсатсагина самара яхши бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бардина Н.С., Титов А.К., Караулов А.К., и др. Бешенство в России: информ. аналит. обзор ФГУ ВНИИЗЖ. –Владимир, 2008. -80 с.
2. Груздев К.И., Недосекаев В.В. Бешенство животных: М.:«Аквариум»-ЛТД» -2001.-304 с.
3. Салимов Х.С., Қамбаров А.А. Эпизоотология. Дарслик. -Тошкент-2016.-151-159 б.
4. Самуйленко А.Я. и др. Инфекционная патология животных-Москва. ИКЦ “Академкнига”-2006. -290-320 с.
5. Селимов М.А. Бешенство. Москва- “МЕДИЦИНА” – 1978.-335С.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ БРУЦЕЛЛА ШТАММЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН АР, КБР ВА КУМБР УЧУН ЯГОНА БРУЦЕЛЛЁЗ АНТИГЕНЛАРИ БИЛАН ТАҚҚОСЛАБ ЎТКАЗИЛГАН СИНОВ НАТИЖАЛАРИ

### Аннотация

В этой статье представлены результаты сравнительного исследования с другими антигенами по приготовлению единого бруцеллёзноантигена с использованием местных штаммов в лаборатории по бруцеллезу, используемой для быстрого выявления бруцеллеза у животных.

**Калим сўзлар:** бруцелла, антиген, штамм, вирулентлик, микросерия, комплемент, агглютинат, типр, махсуслик, микроб хужайраси, биотип.

**Кириш.** Бруцеллёз – ҳайвонларда характерли патология, яъни аборт (одатда, бўғозликнинг иккинчи ярмида), ташланган ҳомила, ҳомила олди суюқлиги, йўлдош ҳамда жинсий аъзолар ажратмаларидан кўплаб ва узоқ муддат бруцеллаларнинг ажралиб туриши билан кечади. Бруцеллалар – бу хужайра ичида яшовчи паразитлардир, аммо уларни хужайра ташқарисида ҳам топиш мумкин ва улар юқори инвазив ҳисобланади.

Бруцеллалар ҳар хил турлар ва биотиплар, вирулентликка эга. Одамлар учун энг хавфлиси бу – *Br.melitensis* тури бўлиб, касалликнинг оғир шаклда кечувчи эпидемик тарқалишига олиб келиши мумкин. *Br.abortus*, *Br.suis*, *Br.ovis*, *B.neotamaeva* *Br.canis* турлари қоида тарикасида касалликнинг сурункали кечадиган спорадик учрайдиган ҳолатларини келтириб чиқаради.

Ҳайвонлар орасида бруцеллёз касаллиги яширин шаклда ҳам кечиши ва уни фақат махсус серологик текширишлар билан аниқлаш мумкин. Касалликни аниқлаш серологик тадқиқотлар мажмуасига асосланган бўлиши шарт ва ҳар бир носоғлом пункт учун туман ва туманлараро даражада алоҳида соғломлаштириш тадбири ўтказилади.

Ветеринария амалиётида, шу жумладан, деярли тўлиқ хориждан олиб келинадиган бруцеллёз антигенларига бўлган талабларнинг ортиши муносабати билан (РБН, АР, КБР ва КУМБР, ХР, ИФТ, ПЗР учун) АР, КБР ва КУМБР учун ягона бруцеллёз антигени маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш зарурати туғилди. ФАО/ЖССТ экс-

### Annotation

This article presents the results of a comparative study with other antigens for the preparation of a single brucellosis antigen using local strains in a brucellosis laboratory used for the rapid detection of brucellosis in animals.

пертлари кўмитаси бруцеллёз антигенларини ишлаб чиқариш учун бруцеллаларнинг барқарор дала S-шаклларида фойдаланишни тавсия қилади.

Тадқиқотимизнинг мақсади бруцеллаларнинг турли маҳаллий штаммларидан АҚШ усулида тайёрланган АР, КБР ва КУМБР учун ягона бруцеллёз антигенлари микросерияларининг фаоллиги ва махсуслигини қиёсий ўрганишдан иборат эди.

**Материаллар ва усуллар:** 2021 йилнинг 7 май – 15 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси розилиги билан (№04-67, 12.02.2021 й) Жиззах вилояти ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази мутахассислари билан ҳамкорликда Жиззах вилоятининг турли ҳудудларидан келтирилган турлича эпизоотик гуруҳлардаги ҳайвонлар қон зардоблари ҳамда АР, КБР учун тажриба бруцеллёз антигенларининг фаоллиги ва махсуслиги комиссия ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди.

Турлари ва вирулентлиги бўйича турли бруцелла штаммларидан тайёрланган, текшириладиган антигенларнинг намуналари, яъни: *Br.abortus* 104М UZ (вакцина штамми) 1/2017 UZ (эпизоотик штамм), *Br.melitensis* Rev-1 UZ (вакцина штамми), 9 UZ (эпизоотик штамм) антигенлари АҚШ ва баъзи Европа давлатларида (Англия, Польша, Чехия ва бошқ) қўлланиладиган усулда тайёрланди.

АР ва КБР учун назорат антигени сифатида *Br.abortus* 99 (Вейбридж) штаммидан тайёрланган Қозоғистон Республикаси “Антиген” ИИКда ишлаб

1-жадвал.

Жиззах вилоятидан олинган ҳар хил эпизоотик гуруҳлардаги ҳайвонларнинг қон зардоблари билан АР ва КБРда бруцеллёз антигенларининг махсуслигини ўрганиш натижалари.

Ҳайвонлар тури	Ҳайвонларнинг эпизоотик гуруҳлари	Текширилган намуналар сони	Штаммлардан олинган антигенлар										
			104MUZ		1/2017 UZ		Rev-1 UZ		9 UZ		99 (Вей-бридж) назорат		
			АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР	
Йирик шохли ҳайвон	Эмланмаган (танлов асосида)	306	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Куйдиргига қарши эмланган ( <i>Пахтакор тумани</i> )	89	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Қорасонга қарши эмланган ( <i>Дўстлик тумани</i> )	58	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Жами	453	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Майда шохли ҳайвон	Эмланмаган ( <i>Фориш тумани</i> )	152	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Колибактериоз, сальмонеллёз ва пастереллёзга қарши ГОА формол вакцинаси (ВИТИ) билан эмланган ( <i>Бахмал тумани</i> )	81	0	0	0	0	0	0	4	0	0	0	0
	Жами	233	0	0	0	0	0	0	4	0	0	0	0

чиқилган АР, КБР ва КУБР учун ягона бруцеллёз антигенидан фойдаланилди.

Ўрганилаётган антигенларнинг фаоллиги ва махсуслиги 1090 намуна қон зардобларидан, жумладан йирик шохли моллардан олинган 649 намуна ва майда шохли моллардан олинган 441 намуна қон зардоблари ёрдамида ўтказилди.

**Тадқиқотлар натижалари.** Бруцеллёз антигенларининг АР ва КБРда махсуслиги ҳар хил гуруҳлардаги ҳайвонларнинг қон зардоблари билан ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотларнинг натижаларидан кўриниб турибдики, барча текширилган антигенлар, шу жумладан назорат антигени ҳам, юқори махсусликни кўрсатди. Жумладан, бруцеллёзга қарши эмланмаган йирик шохли моллардан олинган 306 қон зардоби намуналари танлаб текширилганда, РБН ва АР кўрсаткичлари манфий бўлди. Қозоғистонда ишлаб чиқарилган назорат антигенидан фойдаланилганда ҳам манфий натижалар олинди.

Пахтакор туманидаги йирик шохли моллардан олинган куйдирги касаллигига эмланган 89 намунадаги ва Дўстлик туманидан олинган қорасонга қарши эмланган 58 намунадаги қон зардоблари текширилганда, носпецифик реакциялар кузатилмади ва бу ўз навбатида синалаётган антигенларнинг юқори тур махсус эканлигини кўрсатади.

Майда шохли моллардан олинган қон зардобларининг умумий сонидан 155 намуна, Фориш туманидан бруцеллёзга қарши эмланмаган қўйлардан 81 намуна, Бахмал туманидан колибактериоз, сальмонеллёз, пастереллёз касалликларига қарши поливалент ГОА формал вакцинаси (ВИТИ) билан эмланган қўйлардан олинди.

Бунда колибактериоз, сальмонеллёз, пастереллёз касалликларига қарши поливалент ГОА формал вакцинаси билан эмланган қўйлар гуруҳида (81 намуна) тўртта ҳолатда *Br.melitensis* 9 UZ штаммидан тайёрланган антиген билан АР да носпецифик реакциялар қайд этилди. Қолган барча ҳолатларда *Br.abortus* 104M UZ, 2017/1 UZ, *Br.melitensis* Rev-1 UZ штаммларидан олинган антигенлар, шу жумладан назорат антигени ёрдамида турли эпизоотик гуруҳлардаги ҳайвонларнинг қон зардоблари билан носпецифик реакциялар кузатилмади.

Бунда колибактериоз, сальмонеллёз, пастереллёз касалликларига қарши поливалент ГОА формал вакцинаси билан эмланган қўйлар гуруҳида (81 намуна) тўртта ҳолатда *Br.melitensis* 9 UZ штаммидан тайёрланган антиген билан АР да носпецифик реакциялар қайд этилди. Қолган барча ҳолатларда *Br.abortus* 104M UZ, 2017/1 UZ, *Br.melitensis* Rev-1 UZ штаммларидан олинган антигенлар, шу жумладан назорат антигени ёрдамида турли эпизоотик гуруҳлардаги ҳайвонларнинг қон зардоблари билан носпецифик реакциялар кузатилмади.



Жиззах вилоятидан олинган ҳайвонларнинг дала қон зардоблари билан АР ва КБРда бруцеллёз антигенларининг фаоллигини қиёсий ўрганиш натижалари.

Туман номи	Ҳайвон тури	Нам. сони	РБН	Штаммлардан тайёрланган антигенлар									
				104MUZ		1/2017 UZ		Rev-1 UZ		9 UZ		99 (Вейбридж) назорат	
				АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР	АР	КБР
Мирзачўл	йшм	90	2	2	0	1	0	1	0	1	0	2	0
	мшм	44	2	2	0	2	0	2	0	2	0	2	0
Ш.Рашидов	йшм	114	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	мшм	97	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Ғаллаорол	йшм	94	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	мшм	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Фориш	йшм	86	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	мшм	155	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Зомин	йшм	20	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	мшм	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Пахтакор	йшм	89	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	мшм	54	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Дўстлик	йшм	58	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	мшм	10	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Бахмал	йшм	98	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	мшм	81	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Жами	йшм	649	2	2	0	1	0	1	0	1	0	2	0
	мшм	441	2	2	0	2	0	2	0	2	0	2	0
Ҳаммаси		1090	4	4	0	3	0	3	0	3	0	4	0

Шундай қилиб, маҳаллий *Br.abortus* 104M UZ, 2017/1 UZ, *Br.melitensis* Rev-1 UZ штаммларидан тайёрланган антигенлар, шу жумладан АҚШ ва Европанинг айрим мамлакатларида қўлланиладиган технология ёрдамида ишлаб чиқарилган назорат антигени ҳам юқори тур махсусликни кўрсатди. *Br.melitensis* 9 UZ дала штаммидан олинган антиген истисно бўлиб, у колибактериоз, сальмонеллёз, пастереллёз касалликларига қарши ГОА формал вакцинаси билан эмланган кўйлар қон зардоблари билан АР да номахсус реакцияни берди.

АР ва КБРда антигенлар фаоллигини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, йирик шохли ва майда шохли ҳайвонларнинг дала, қон зардоблари (шартли соғлом) текширилганда, *Br.abortus* 104M UZ ва вирулент *Br.abortus* 99 штаммидан тайёрланган назорат антигенлари нисбатан сезгир ва фаол бўлди. Мирзачўл туманидаги йирик шохли ҳайвонлардан олинган 90 текширилган намунадан 2 та мусбат намуна ва 44 намуна майда шохли ҳайвонлардан олинган қон зардобларидан 2 та мусбат натижа аниқланди, яъни бу мос равиш-

да бош сонига нисбатан 2.0% ва 4.5% ни ташкил қилди.

*Br.abortus* 1/2017 UZ ва *Br.melitensis* 9 UZ штаммларидан, шу жумладан *Br.melitensis* Rev-1 UZ вакцина штаммидан тайёрланган антигенларнинг фаоллиги ва сезгирлиги вакцинали ишлаб чиқариш *Br.abortus* 104M UZ штамми ва вирулент *Br.abortus* 99 штаммидан тайёрланган назорат антигенларига нисбатан пастроқ бўлди ва ҳайвон туридан қатъий назар 3 тадан мусбат намуна аниқланди. КБРда барча текширилаётган антигенлар манфий натижа берди. Шунингдек, РА ва КБР учун стандартлаштириш стандарти маҳаллий антибруцелла абортус зардобига мувофиқ амалга оширилганда, тур ва вирулентликнинг таъсири йўқлиги аниқланди. Шундай қилиб, бруцеллаларнинг вакцина (104M UZ, Rev-1 UZ) ва вирулентли (1/2017 UZ, 9 UZ) штаммлардан тайёрланган антигенлар титри таққосланганда, АР да ҳам ва КБРда ҳам сезиларли фарқ аниқланмади ( $P>0,05$ ).

Шуни таъкидлаш керакки, *Br.abortus* 104M UZ штаммидан тайёрланган маҳаллий антиген ишлатилганда, аввалги тажрибаларда бўлгани каби *Br.melitensis* Rev-1 UZ, 9 UZ штаммларидан тайёрланган антигенларга нисбатан йирик донатор агглютинат ҳосил бўлди. Мазкур ҳолат жуда аҳамиятли, чунки визуал реакция билан олинган натижаларни ҳисобга олиш осонроқ ҳисобланади. Бруцеллаларнинг вакцинали (104M UZ, Rev-1 UZ) ва эпизоотик (1/2017 UZ, 9 UZ) штаммларидан олинган антигенлар титрлари таққосланганда, сезиларли фарқ аниқланмади. Бу шунини кўрсатадики, агар улар антибруцелла абортус стандарт миллий зардобига мувофиқ стандартлаштирилса, АР учун тур ва вирулентлик антигенларнинг фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

КБРда Жиззах вилоятининг 8 та туманларидан олинган барча дала қон зардобларини ўрганиш натижалари манфий бўлди ва улар сезгирликлари билан бир-бирларидан фарқ қилмади.

**Хулоса.** 1. Комиссион тажрибаларда АР ва КБРда ўтказилган тадқиқотлар АҚШ ва бошқа Европа мамлакатларида қўлланиладиган усул бўйича вирулентлиги бир хил бўлмаган ҳар хил штаммлардан тайёрланган ўрганилаётган антигенларнинг юқори махсуслигини, фаоллигини ва сезгирлигини кўрсатди.

2. Комиссион синов натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллий *Br.abortus* 104M UZ кам вирулентли штамми эпизоотик штаммлар бўлган *Br.abortus* 1/2017 UZ ва *Br.melitensis* 9 UZ ҳамда *Br.melitensis* Rev-1 UZ вакцина штаммига нисбатан таққосланганда, АР, КБР, КУБР учун ягона бруцеллэз антигени ишлаб чиқаришда энг истиқболли штамм деб ҳисоблаш мумкин.

3. Аниқландики, *Br.abortus* 104M UZ штаммидан тайёрланган маҳаллий антиген ишлатилганда, АР ва КБР учун бошқа бруцелла штаммларидан тайёрланган антигенларга нисбатан йирик донатор агглютинат ҳосил қилди, бу эса ўз навбатида реакция натижаларини ҳисобга олишни осонлаштирди, яъни йирик агглютинат ҳосил бўлганлиги боис реакцияни ўқиш осонлашди, аксинча, майда агглютинат ҳосил қилганида, реакцияни ўқиш қийинлашар эди.

4. Шунингдек, РА ва КБР учун антигенларнинг фаоллигига агар уларни стандартлаштириш стандарт маҳаллий антибруцелла абортус зардобига мувофиқ амалга оширилганда, тур ва вирулентликнинг таъсири йўқлиги аниқланди. Шундай қилиб, бруцеллаларнинг вакцина (104M UZ, Rev-1 UZ) ва вирулентли (1/2017 UZ, 9 UZ) штаммлардан тайёрланган антигенлар титри таққосланганда, АР да ҳам ва КБРда ҳам сезиларли фарқ аниқланмади ( $P>0,05$ ).

5. АҚШ ва бошқа Европа мамлакатларида қўлланиладиган усулга мувофиқ тайёрланган маҳаллий штаммларнинг антигенлари тижорат назорат антигенларига нисбатан махсуслиги ва сезгирлиги жиҳатидан кам эмаслигини эътиборга олиб, ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этиш тавсия этилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Здравовский П.Ф. «Бруцеллэз» // Современное учение применительно к патологии человека. М.изд. 1953. С. 264
2. Климанов А.И., Шумилов К.В., Рузимуродов М.А. и др. Совершенствование средств серологической диагностики бруцеллэза сельскохозяйственных животных. // Актуальные вопросы профилактики бруцеллэза и организация медицинской помощи больным. Тез. докладов Всесоюзной Конференции, Новосибирск., М.1989. с. 133.
3. Ветеринарные препараты // кн. под редакцией Д.Ф. Осидзе, Москва, Колос, 1981., 445 с.
4. Авилов В.М. Селиверстов В.В., Шумилов К.В. и др. «Бруцеллэз животных и его специфическая профилактика» // Ж. Ветеринария. 1997. 7. С. 3-6.
5. Косилов И.А. Бруцеллэз сельскохозяйственных животных. -Новосибирск, 1992 -260 с.
6. Шумилов К.В. и др. Специфическая профилактика бруцеллэза // Сбнауч.тр. ВГНКИ, Москва 2000. -С160-163
7. Рузимуродов М.А. Проблема бруцеллэза в Узбекистане // Тез. докладов III-съезд микробиологов Узбекистана. Ташкент 9-10 ноября 2005 г.

УДК 619.616.989.2.75

Б.А.Элмуратов, в.ф.д Х.У.Муродов, докторант,  
З.Н. Киямова, илмий ходим,  
Ветеринария илмий-тадқиқот институтиПАРРАНДАЛАР ЛАРИНГОТРАХЕИТ КАСАЛЛИГИНИНГ  
ПАТОМОРФОЛОГИК ДИАГНОСТИКАСИ

## Аннотация

В статье описывается течение, клинические признаки и патоморфологические изменения ларинготрахеита у птиц. Приведены патологические изменения в организме птиц и их дифференциальный диагноз от других болезней.

**Калит сўзлар:** паррандалар, ларинготрахеит, патоморфология, таъхис қўйиш, дистрофия, неротик жараёнлар, яллиғланиш.

**Кириш.** Паррандачиликда, айниқса, товуклар орасида турли касалликларнинг кенг тарқалганлиги жуда кўп паррандачилик билан шуғулланувчи фермерларга катта зарар келтирмоқда. Ларинготрахеит билан касалланган паррандаларнинг ўлиш даражаси 80-85% ни ташкил этади. Адабий манбаларда ЮЛТ билан касалланган паррандаларнинг ўлиш даражаси ўртача 15 фоизни ташкил этиб, 30-80 фоизгача кўтарилади. Асосан касалликнинг конъюнктивал шакли 5-87 фоизгача учрайди. Касал паррандаларни даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Касалланиб тузалган жўжалар ўсиш ва ривожланишда тенгқурларига нисбатан ортда қолади ҳамда касаллик қўзғатувчисининг ташувчиси бўлиб қолади. Мазкур касалликка таъхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш тадбирлари учун махсус комплексли усул ва воситалар ишлаб чиқилмаган. Чунки, ҳозирги вақтда республикамизда паррандачиликка жуда катта эътибор берилмоқда. Улар касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун замонавий комплекс воситалар ишлаб чиқилмаган. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган биопрепаратларни қўллаш учун кўп вақт ва валюта сарфланиши лозим.

**Материал ва методлар.** Тадқиқотлар ветеринария илмий-тадқиқот институтининг микробиология лабораторияси ва ВИТИнинг Қашқадарё тажриба станциясида ҳамда паррандачилик фермер хўжаликларида амалга оширилди.

Паррандаларда юкумли лоренготрахеит касаллигининг тарқалиши, патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш ҳамда касалликка таъхис қўйиш услублари қуйидаги тажрибалар асосида ўтказилди. Паррандаларда лоринготрахеит касаллигининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида 20 бош товуклар 2 гуруҳга 10 бошдан бўлинди. Ҳар бир гуруҳ паррандалар ларинготрахеит касаллигига қарши Ави-вак ИЛТ вакцинаси билан эмланди. Сўнгра ҳар 21, 30,

## Annotation

This article describes the course, clinical signs, and pathomorphological changes of laryngotracheitis in birds. Pathological changes in the body of birds and their differential diagnosis from other diseases are given.

60 ва 90 кунлигида қон олиниб, қон зардобиди имунофермент таҳлили (ИФТ)да антителолар титри ўрганилди. Назорат гуруҳи вакцина билан эмланмади. Тадқиқотлар натижасида вакцинанинг самарадорлиги аниқланди (2-жадвал).

Тажрибадаги товукларнинг клиник белгилари патологоанатомик ўзгаришлари ва бактериологик текшириш усуллари умумий қабул қилинган усуллар бўйича бажарилди. Ички аъзоларни патологоанатомик текширганда, қон томирлари ва паренхиматоз аъзолар – жигар, буйраклар, ўпка, юрак, талоқ, тухумдонларга алоҳида аҳамият берилди.

Организмда бўладиган ўзгаришларни кузатганда, асосий диққат аъзоларнинг ҳажмига, зичлигига, рангига ва юзасидаги ўзгаришларга, кесиб кўрилганда эса, тўқималарнинг ҳолатига, тўлақонлигига ва букканлигига қаратилади. Ошқозон-ичак бўлимининг сероз ва шиллик пардаларига, ингичка ва йўғон ичакларнинг ҳолатига, геморагик яллиғланишлар, дистрофия, атрофия ва некротик ўчоқларга эътибор берилди.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Тадқиқотларимизда Қарши туман “Улуғбек Нозима ҳамкор” МЧЖга қарашли паррандачилик фабрикасида касалланган товуклар организмда касалликнинг клиник белгилари ва патологоанатомик ўзгаришлари ўрганилди. Касаллик асосан 5-6 ойлик товуклар орасида кузатилди, касал товукларнинг озуқадан бош тортиши, холсизланиш, хириллаш, ҳар хил овоз чиқариш, тана ҳароратининг кўтарилиши, нафас олиш, юрак уришининг тезлашиши, ич кетиш, шиллик пардаларининг оқариши кузатилди. Шунингдек, баъзи товукларда қонли ич кетиш ҳолати кузатилиб, тез ўлим бўлиши аниқланди.

Касалланиб ўлган товукларнинг аъзолари текшириб кўрилганда, конъюнктивит, ҳиқилдоқ ва трахеяда творогсимон модда тўплангани аниқланди. Шунингдек трахисеа, кўз конъюнктивасида йиринг-



*Товуқларнинг ларинготрахеит касаллигига қарши вакцинанинг самарадолигини ўрганиш.*

Т.Р	Гуруҳлар номи	Товуқлар сони (бош)	Эмлаш миқдори	Эмлаш усули	Антителолар титри натижаси			
					21 кун	30 кун	60 кун	90 кун
1	I	10	1 мл	Тери ости	1:32	1:64	1:128	1:64
2	II	10	-	-	1:4	1:2	1:4	1:2

ли яллиғланишлар мавжудлиги кузатилади. Бундан ташқари, ички аъзолари текширилганда, ўпкада, жигарда бироз нуқтали қон қуйилишлар ҳамда қон томирларининг турғунлиги аниқланди. Паррандаларда ларинготрахеит касалликлари патологоанатомик ўзгаришлари бироз мураккаб ва доимийлиги билан фарқ қилди. Бунда гавдаларнинг жуда ориқланиши, қотмаганлиги, оғиз ва бурун бўшлиқларидан кўпикли суюқлик оққанлиги, айримларида бу суюқлик қон аралаш бўлиши, шиллик пардаларда, айниқса, конъюктивада гиперимия ҳосил бўлганлиги, клоака атрофлари суюқ сариқ рангли ахлат билан ифлосланганлиги, патларининг рангсизланганлиги кўзга ташланади. Асосан тери ости клетчаткаларида ва ошқозон-ичакларида қон томирларнинг тўлақонлиги кузатилди. Сероз пардаларида нуқтали қон қуйилишлар, қон томирларининг қон билан тўлганлиги барча касалланган товуқларда кузатилди.

Юракнинг катталашгани ва нуқтали қон қуйилишларнинг кучайганлиги, ўпкада эса бронх ва альвеолалар бўшлиқларида кўпикли шилимшиқ модданинг тўпланганлиги, шунингдек, бир неча ателиктатик ўчоқларнинг мавжудлиги кўзга ташланади.

Асосий ва доимий ўзгаришлар талокда бўлиб, унинг ҳажми катталашган, юзасида нуқтали ва доғсимон қон қуйилишлар қайд этилиб, асосий ўзгаришлар ошқозон-ичакларда кузатилди. Ёриб кўрилганда, барча товуқларнинг ўпка ва ошқозон-ичакларида қон томирларнинг тўлақонлиги, сероз пардаларида нуқтали ва доғли қон қуйилишлар кенг тарқалган. Ўпканинг ҳажми катталашган, оч қизил рангда, юзасида нуқтали қон қуйилишлар, жигар анча катталашган, юзасида нуқтали ва доғли қон қуйилишлар, гиперимия ҳолатлари ва буйракларда гемморрагик жараёнлар кузатилди.

Мускулли ошқозон шиллик пардаларида шилимшиқ аралаш қорамтир модда йиғилган, майда нуқтали қон қуйилишлар, эрозия ва яралар мавжудлиги билан ифодаланади. Талок ҳажми бироз катталашган, юзасида майда қон қуйилишлар бўлиб, кесганда пульпаси тўқ қизил рангда кўринади.

Шундай қилиб, паррандаларда учрайдиган кли-

ник белгилар ва патологоанатомик ўзгаришлар жуда мураккаб, бошқа касалликлардан тубдан фарқ қилади. Аммо яхши эътибор билан таҳлил этилса, вақтида тўғри диагноз қўйилиб, касалликларга қарши ўз вақтида олдини олиш чора-тадбирларини кўриш имконияти яратилади.

**Хулосалар.** Республиканинг жанубий ҳудуди Қашқадарё вилоятидаги паррандачилик хўжаликларидан текширилган 14 та хўжалиқдан 5 тасида паррандаларнинг юқумли лоренготрахеит касаллиги билан касалланиши аниқланди. Касалликнинг ўртача 12,9 % ини, умумий касал ҳайвонлар сонидан ўлим даражаси эса ўртача 8,1 % ни ташкил этиши аниқланди. Товуқларнинг ўпка тўқималари, нафас олиш йўлларида яллиғланиши, ҳиқилдоқ ва трахеяда творогсимон модда тўпланганлиги, ўпка ва жигарда нуқтали қон қуюлишлар, қон томирларнинг турғунлиги, конъюктивада геперимия ҳолатлари ҳамда ошқозон-ичакларидаги чуқур ва мураккаб патоморфологик ўзгаришлар катта ёшдаги товуқларда ҳам кичик ёшдаги товуқларга нисбатан бироз фарқ қилмаса-да, касалликнинг вирулентлиги ва оқимида боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ниязов Ф.А., Ахмедов Б.Н. Ашуров С.А., Действие иммуностимулятора кавилона на цыплят. // Ветеринария. – М. 2001.-№9. – С.22-23.
2. Ниязов Ф.А., Дурдиев Ш.К., Алимарданов А.Ш. Заслон распространению заболеваний // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2008. №6. С.26.
3. Ниязов Ф.А., Ибодуллаев Ф.И., Юсупов М.Г. Патоморфологические изменения в организме кур при пуллорозе. // Зооветеринария – 2008 – №6 - 7. С.18.
4. Кисленко, В. Н. Ветеринарная микробиология и иммунология. Ч 3. Частная микробиология / В. Н. Кисленко, Н. М. Кольчев, О. С. Суворина. -М. : Колос С, 2007. 215с.
5. Ахмедов Б.Н. Жуза ўстиришнинг асосий омиллари.// Қашқадарё фермери газетаси. 27 –феврал.- 2009.
6. С.Мавлонов., Б.Н. Ахмедов. Корақўлчиликда юкори самарадорликка эришмокчимиз. // Қашқадарё газетаси. 8 – янв. -2010.

## КЕТОЗ – ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ҚИШКИ ТУРҒУНЛИК ДАВРИДА ЭНГ КЎП УЧРАЙДИГАН ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИГИ

### Аннотация

В статье дано описание болезни высокопродуктивных коров молочных пород – кетоз, возникающий при продолжительном вскармливании кормов и кормовых добавок, в которых преобладает белок и отмечается пониженное содержание углеводов (глюкозы, крахмала). В роли «провокатора» служит также однообразное кормление силосом и жомом плохого качества (по причине наличия в данном корме большого процента масляной и уксусной кислот). Накопление их в организме кетонных тел происходит из-за неполного окисления окисления питательных веществ, в основном белка рациона.

**Калит сўзлар:** маҳсулдорлик, тўйимли моддалар, углеводлар, ёғлар, оқсиллар, хазмланиш, кетоз, кетонли таначалар, бўғозлик, озиклантириши.

Чорвачиликда маълум бир қонуният мавжуд бўлиб, унда қорамолнинг маҳсулдорлиги 20% унинг зотиға, 60 % озиклантиришиға, 20 % бошқа омилларға боғлиқлиги доимо таъкидланади. Ушбу қонуниятни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш учун ҳар қандай чорвадор уларни ушлаш технологияларини тўғри ташкил этиши, бунда чорва молларини ҳар қандай шароит ва фаслларда тўғри озиклантиришға катта эътибор қаратиши лозим.

Чорва моллари доимо яхши иштаҳаға эға бўлиши, озуқаларнинг тўйимли органик ва кимёвий қисмини яхши хазмлаши, ўз тирик вазни ва семизлигини ушлаши лозим. Уларнинг энг мақбул семизлик даражаси қўлланилаётган баҳолаш усулиға 5 балли усулда 3.5 балл, 9 балли усулда 5-6 балли ташкил этиши лозим. Кўрсаткичнинг ошиши чорва моллари семираётгани, пастға тушиши эса уларнинг озишини кўрсатади.

Кўпгина чорвадорлар юқори маҳсулдор қорамоллар, айниқса, сигирларнинг зотға яраша кўрсаткичларға эриша олмаётганини кўп учратиш мумкин. Маълумки, сигирларнинг маҳсулдорлиги туққанидан сўнг 3 ой давомида ортиб боради ва кейин то туғиш таътилиға чиққунича (туққанидан сўнг 100-305) тушиб боради. Шу даврда олдин ўз сигирларидан қуниға 20 кгдан ортиқ сут олган эгалари улардан кўпроқ сут олиш мақсадида уларни ўта тўйимли озиклантиришади. Аммо табиий жараёнлар ва қучлар натижасида сигирлар организмларида тушаётган энергия аввал юқори сут маҳсулдорлигиға сарфланса, бу даврда ёғ йиғилишиға ва унинг сути, қони ва сийдикларида моддалар алмашинувининг тугалланмагани сабаб-

### Annotation

The article describes the disease of highly productive dairy cows - ketosis, which stinks during prolonged feeding of them with feed and feed additives in which protein predominates and a low content of carbohydrates (glucose, starch) is noted. And pulp of poor quality (due to the presence of a large percentage of butyric and acetic acids in this feed). Their accumulation in the body of ketone bodies occurs due to incomplete oxidation of the oxidation of nutrients, mainly dietary protein.

ли “кетонли таначалар”нинг табиий миқдорларидан ошишиға сабаб бўлади. Ветеринария тиббиётида кетон таначалари миқдорининг сийдикда ошиши “кетонурия”, қондагиси “кетонмия”, сутдагиси – “кетанолакия” дейилади.

Одатда меъёрларда кетон таначалари организмда доимо пайдо бўлади ва ўз вақтида организм томонидан йўқотилиб турилади. Аммо унинг миқдори турли сабаблар билан ошганида, айниқса, юқори маҳсулдор сигирларда “кетоз” касаллиги вужудға келади.

Қорамолларнинг кетоз касаллиги – унинг организмда углевод, оксил ва ёғ алмашинуви жараёнларининг бузилишини кўрсатади. Одатда, бу касаллик сигир организмда моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида хазмланмаган ва сўрилмаган турли моддаларнинг қолдиқларидан ташкил топган (ацетон, ацетоуксус ва и бета-окси ёғ кислоталари) кетон таначаларининг кўпайиши билан таснифланади.

Кетоз касаллиги ҳар қандай кўринишда чорвачилик хўжалиқлариға турлича катта истисодий талофатлар кўрсатади. Жумладан, субклиник кўринишда у сигир сут маҳсулдорлигини 50-70% туширса, ўткир формаларида лактацияни тўлиқ тўхтатади ва кўпинча уларнинг қорнидаги ҳомиласининг ўлимиға олиб келади. Кетоз билан касалланган сигирлардан шунингдек кўпинча нимжон, ташқи муҳитнинг салбий холатлари ва қучларға қаршилиги бўлмаган бузоқлар олинади.

**Келиб чиқиш сабаблари – этиология.** Кетоз касаллигининг келиб чиқиши кўп сабабли полиэтиологик бўлиб, бир нечта омилларнинг мажму-

авий таъсирида вужудга келади. Кетознинг келиб чиқишига айни даврда:

1. Сигирларни тўлақонли ва мувозанатланмаган рационларда озиклантириш;
2. Рационларда омихта емлар улушларининг кўплиги;
3. Сигирларни турли даврларда озиклантиришда рационларда оксилнинг кўплиги ва углеводлар, айниқса, қандларнинг етишмаслиги;
4. Таркибида ёғ кислотаси бўлган, сифати бузилган озуқаларни рационларда қўллаш;
5. Сигирларга етарлича моционлар ташкил этилмаслиги;
6. Сигирларни туғишга тайёрлаш даврида нотўғри озиклантиришлар ва бошқалар сабаб бўлади.

Бу қайд этилган сабаблар мажмуавий равишда катта ошқозон микрофлораси таркибини ўзгартиради ва натижада қорамоллар учун асосий энергия манбаи бўлган целлюлоза ва углеводларнинг бўлиниши ва хазмланишини пайсайтиради, қорамол танасида ёғ кислотаси ва кетон таначаларининг ошишига олиб келади.

Кетоз касаллиги, шунингдек, қорамолларга таркибида кўп миқдорларда ёғ кислотаси бўлган силос, сифати бузилган нордон, замбуруғли, чириган, таркибида катта миқдорда ёғлари бўлган турли озуқаларни берганда ҳам кузатилади.

Юқори маҳсулдор сигирларда кетоз касаллигининг келиб чиқишининг муҳим омилларидан бири уларни зарур миқдорда углеводлар ва оксиллар билан таъминламасликдир. Углеводлар етишмаган даврда чорва моллари бу етишмасликни ўз жигаридаги гликоген захиралари ҳисобига маълум бир вақт тўлдириб туради ва кейин сигирлар организмда кўшимча гипогликемия касаллиги бошланади. Улар ҳам ўз навбатида сигирлар организмларида ички без тизими фаолиятини бузади ва глюкокортикостероид, адренкортикотроп ва тиреоид гормонларнинг кам ишлаб чиқишига олиб келади. Улар эса ўз навбатида кетоз касаллиги даврида ошқозон ва жинсий органлар касалликлари ривожига сабаб бўлади.

**Кетоз касаллигининг кечиши ва кўринишлари.** Касаллик кечиши бўйича субклиник-билимас, ўткир, ўткир ости ва сурункали кузатилади. Одатда уни субклиник кўринишида бошқа моддалар алмашинувидан фарқлаш қийин бўлади.

Кетознинг ўткир формасида касал хайвонларда ташқи таъсир омилларига жавоб реакцияларининг тез ва кучлилиги, кўрқувлари, ўзларини кўп ялашлари, озуқаларсиз кавш қайтаришлари, тишларини

ғижирлатишлари, кўп марашлари, титроқ пайдо бўлиши, тупик хажмининг ошиши, ташқи омилларга заиф жавоб реакцияси ва охир-оқибат коматоз ҳолати кузатилади.

Ветеринария мутахассислари авваламбор сигирларда маҳсулдорлик ва иштаҳанинг камайганини ёки бузилганлигини, ошқозон ва ичакларнинг кам ва заиф ҳаракатларини аниқлайди. Одатда бундай қорамолларнинг ахлати қуюқ ва улар кам ҳолат қилишади. Сигир чиқараётган ҳаво, сути ва сийдигида ацетон хидини пайқаш мумкин. Сигир терисининг эластиклиги пасайган, жунлари тарқоқ, ранглари ва товланишини оз бўлсада йўқотган, кўринар шилимшиқ тўқималари, терининг очиқ қисмлари касаллик кечишига қараб турли сариқ ранглари бўлади. Перкуссия усулида текширилганда, жигар шишганлиги, эшитиш усулида юрак қон тизимининг фаолияти сусайгани, юрак тонлари босиқ кам эшитилар, пульслари заиф ва аритмиялар кузатилиши аниқланади.

Сигирларда кетоз касаллиги учраганда доимо жинсий цикл кечиши, кўпайиш хусусиятининг бузилишлари, туққанидан сўнг ҳомила йўлдошининг тушмай қолиш ҳолатлари, бачадон субинволюцияси вақтининг чўзилишлари, тухумдонларининг кисталари пайдо бўлиши кузатилади. Касал хайвонларнинг сути ва сийдикларида кетонлактая ва кетонсурия осонгина аниқланади.

Касалликнинг сурункали кечиш турида юқори ҳолатларга кўшимча равишда иштаҳанинг сустлигидан то йўқолишигача бўлган ҳолатлар, жигар, юрак ва жинсий органларнинг дистрофик ўзгаришлари ва фаолиятининг жуда камлиги кузатилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кетознинг ҳар қандай кечишида унинг сути, қони ва сийдигида кетон таначалари миқдорларининг меъёрлардан ошиши кузатилади. Сигирлар қони текширилганда, унда қанд ва ишқорий захиранинг камайганлиги аниқланади. Кўшимча лаборатория текширувларида жинсий ва бўқоқ безлари гормонлари миқдорларининг кескин камайганлигини аниқлаш мумкин.

**Ташхислаш ва даволаш ишлари.** Ташхислаш ва даволаш ишларини ветеринария мутахассислари ўрнатилган тартибда йўриқномаларга мос равишда мажмуавий олиб борадилар. Чорва моллари эгалари ёдда тутиши лозимки, ветеринария мутахассисларига қанча эрта мурожаат қилинса, касал моли шунча эрта тuzалади. Кетоз касаллиги кўпинча қишқи турғунлик даврида учрайди, лекин уни тўлиқ даволаш йўллари ва соғайтириш имкониятлари мавжуд.



**Кетоз касаллигининг олдини олиш чоралари.**

1. Чорва молларини маҳсулдорлиги, ёши ва физиологик ҳолатига кўра, тўлақонли ва мувозанатлаштирилган озиқлантиришни сўзсиз ташкил этиши зарур. Бунда қорамолларга таркибида кўп миқдорларда ёғ кислотаси бўлган ва сифати бузилган нордон силосни бериш (замбуруғли, чириган, таркибида катта миқдорда ёғлари бўлган турли озуқалар) ман этилади;

2. Соғиладиган сизирларнинг кунлик 2.5-3 км масофага юриши ва яйратишни ташкил этиш лозим;

3. Доимий равишда вақти-вақти билан сизирларнинг тирик вазнларини назорат қилиш ва ўзгаришларга қараб рационларни мувофиқлаш керак;

4. Чорва молларини доимий равишда тоза ичимлик суви билан таъминлаш шарт;

5. Чорва молларининг ётиш, соғим жойларини қуруқ ва тоза тутиш керак;

6. Доимий равишда, айниқса, кишки турғунлик даврида чорва моллари рационларига етмаган

тўйимли ва минерал моддалар кўшимчалари қўшиб бориш тавсия этилади.

7. Чорва молларини кишки ушлаш жойлари ёруғ, етарлича тоза ҳаво билан таъминланиши ва ётар жойлари қуруқ бўлиши зарур.

Кетоз касаллиги кўпгина ҳолатларда соғин сизирлар айни ўз маҳсулдорлигини кўрсатадиган 4-7 йиллик ёшларда ва бўғозлигининг охириги икки ойи ва туққанидан сўнг учраши кузатилади. Шу боис бундай сизирлар алоҳида эътиборда бўлиши лозим. Бўғоз сизирларнинг семириб кетишига йўл қўймаслик керак.

Кетоз касаллиги ҳар қандай хўжалик учун маҳсулотларини камайтирувчи, қорамолларнинг қисир қолиши ва катта иқтисодий зарарларга келтирувчи жиддий юқумсиз касалликдир. Шу сабабли унинг олдини олиш учун берилган тавсияларга риоя қилиш ва улар асосида ишларни ташкиллаштириш ва юритиш, касаллик аломатлари пайдо бўлганда, ўз яшаш ҳудуди бўйича ветеринария хизматлари ходимларига зудлик билан мурожаат қилиш зарур.

УДК 619:616.98:579.852.134

Ф.А.Худоёрова<sup>1</sup>, Х.А.Хамдамов<sup>2</sup>

(1 - ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори,

2- ветеринария фанлари доктори,

Ветеринария илмий-тадқиқот институти)

## НАСЛДОР ҚОРАМОЛЛАРДА ТУЁҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

### Аннотация

В статье приводятся результаты исследований и рекомендации по профилактике болезней копыт в условиях интенсивного молочного скотоводства.

### Resume

The article presents the results of studies on the effectiveness of various antibiotics in vitro and in vivo, as well as of combined ointment to accelerate the healing of wounds during necrobacillosis of high productive cows. At the same time, high efficiency of lincomycin hydrochloride and clindamycin phosphate was established for intramuscular use.

**Калит сўзлар:** некробактериоз, голитин-фриз, китт-тароқци, резистентлик, антибиотик, сезувчанлик, клиндамицин фосфат, линкомицин гидрохлорид, инъекция, in vitro

Қорамолларнинг оёқ дистал қисмлари касалликлари орасидан пошна сўғали, бармоқдаги ва бармоқлар орасидаги дерматит, туёқ йиринглаши, ламинит, оқ чизикдаги касаллик, товон яраси, оёқ юқори қисми ёки бўғимининг шикастланиши, деформацияга учраши, туёқ чириши каби асосий ўринни эгалласа, улар орасида некробактериоз касаллиги 30%дан кўпроқ ҳолларда учрайди. Некробактериоз билан касалланган, бироқ клиник соғлом ҳайвонларнинг хўжаликка

олиб келиниши туфайли фермадаги молларда касалланиш 25-30% гача тарқалиши кузатилган.

Даволашнинг жароҳлик усуллари қўлланиладиган бўлса, узокроқ тикланиш даври талаб қилинади. Шу сабабли, профилактик чора-тадбирлар кучли оқаш ривожланишининг олдини олади, сизирларнинг оқашини ўртача даражасидаги ҳаракат фаоллигини оширади ва уларнинг ҳаётий сўт бериш даврини узайтиради.

Сигирларда туёқ касалликларининг олдини олишда куйидаги чоралар қўлланилади:

- аввало подани шакллантиришда соғлом, наслдор чорва молларини танлаш;
- озуқа рационни целлюлоза (дағал хашак) ва минерал моддалар билан мувозанатлашган бўлиши зарур;
- омухта ем беришни кам миқдорда ва тез-тез суткасига ҳеч бўлмаганда уч марта амалга ошириш ёки тўла аралашган рациондан фойдаланиш (дағал хашак ва омухта емларни аралаштириб берадиган озуқа қориштиргич-таркатгичдан яъни кормосмесителдан фойдаланган ҳолда).
- инфекциянинг олдини олиш мақсадида молхона, йўлақлар ва сайр қилинадиган майдонларни озода сақлаш;
- туёқларни ҳар йили камида икки марта кесиб туриш;
- туғруқ даврига яқин сигирлар оқсашининг олдини олиш;
- чорва моллари дам олиши учун қулай шароит яратиб бериш;
- мунтазам тарзда туёқлар учун ванналардан фойдаланиш зарур.



**Расм 1. Туёқ ванналарнинг кетма-кетлиги: биринчиси – оддий сув ва кейингиси махсус препаратлар қўшилган сув.**



**Расм 2. Туёқларни махсус станокда кесиш.**

**Туёқларни кесиш иккита асосий мақсадни кўзда тутлади:**

туёқлар мустаҳкамлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш;

клиник белгилар ва оқсаш келиб чиққунга қадар, илк босқичдаёқ туёқ билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш.

Атроф-муҳит шароитлари туёқ шакли ва сигирларнинг юришига таъсир қилади.



**Расм 3. Ишлов берилган туёқ.**

Қаттиқ юзалар ташқи ва ички туёқчалар орасидаги мутаносибликни бузади ва у уларнинг асимметриясига олиб келади, оқибатда эса травматизм ва оқсаш юзага келади. Туёқларни тўғри кесиш ва яхши сифатли пол оғирликнинг туёқчалар ўртасида тенг тақсимланишига олиб келади ва туёқлар шаклини тиклайди. Туёқларни йилига икки марта кесиб туриш тавсия қилинади. Сигирлар сутга кириш давригача оёқлари соғлом бўлиши учун туёқларни кесиш учун энг яхши давр – сигирлар сутдан чиққан даврнинг боши ҳисобланади.

### Туёқлар учун ванналар

Туёқларга ишлов бериш учун ванналар азалдан қўлланилиб келинади ва туёқлар юкумли касалликларининг олдини олиш ҳамда мустаҳкам бўлиши учун тавсия қилинади. Бугунги кунда бундай ванналарни тўлдириш учун энг кенг тарқалган моддалар бу мис купороси ва формальдегид (формалин 40%) ҳисобланади. Бу моддалардан фойдаланиш яхши самара бериш баробарида ўзининг салбий томонларига ҳам эга. Хусусан, формалиннинг 3-5%ли эритмасидан сурункасига фойдаланиш оёқларнинг тери қопламаси қичишига ва дағаллашишига олиб келади, шу сабабли ҳам уни ҳафтада бир марта қўллаш мақсадга мувофиқдир, қолган кунлари мис купоросининг 3-5%ли эритмасидан<sup>1</sup> фойдаланиш керак бўлади. Формалин 17 °С дан юқори ҳароратда самарали эканини ҳисобга олиш лозим. Кўплаб илғор фермалар мунтазам равишда формалин (3-5%) ва

мис купоросининг (5-10%) биргаликдаги аралаш-масидан фойдаланишади.

ҳолатларда эса ҳар куни туёқларга ишлов бериш тавсия қилинади.



Расм 4. Туёқ ваннаси.



Расм 5. Туёқ ваннасидан сигирларни ўтказиш.

Қандай воситадан фойдаланмасин, қуйидаги келтирилган қоидалардан бирортасига амал қилинмаса, туёққа ишлов бериш самараси юқори бўлмайди:

Туёқлар учун ванналардан фойдаланишнинг 7 қоидаси:

1. Ванна ҳамма қорамол ўтадиган жойда бўлиши зарур.

2. Ваннанинг узунлиги 2-3 метр, эни тахминан 1 метр, чуқурлиги эса 15 см бўлиши керак.

3. Дезинфекция қилувчи эритма билан ванна қилишдан аввал туёқларни дастлабки тозалаш учун сувли ванна ёки ювувчи воситалар қўшилган ваннани ўрнатиш лозим. Тоза туёқларга антисептик эритманинг самараси катта бўлади. Бундан ташқари ваннадаги дезинфекция қилувчи эритма камроқ ифлосланади.

4. Профилактик ишлов бериш самараси энг юқори даражада бўлиши учун 200-250 та қорамол ўтганидан сўнг ваннадаги эритмани (эритманинг ифлосланиш даражасига боғлиқ ҳолда) алмаштиринг.

5. Ваннадаги эритмани алмаштиришда ундаги ҳамма лойни олиб ташланг! Дезинфекция қилувчи эритмани фақат тоза ваннага қуйинг.

6. Бўлмалардаги гўнгни сигирлар соғишга олиб чиқилганда чиқариб ташланг, туёқ тозалангандан сўнг чорва моллари тоза, қуруқ, гўнг имкон қадар кам бўлган бўлмаларга кириши зарур.

7. Туёққа ванна билан ишлов бериш тезлиги туёқларида муаммоси бўлган сигирлар сони ва молхонадаги озодаликка боғлиқ. Шароит яхши бўлган ҳолатда ҳафтасига 2 марта, шароити ёмонроқ бўлган

Туёққа ишлов бериш ванналари учун дезинфекция қилувчи эритмани тайёрлаш намунаси\*

Эритманинг таркиби	
Реагент	Сувда концентрация миқдори
Мис купороси	5-10% ли эритма
Формалин	3-5% ли эритма
Кучсиз совун эритмаси	100 литр сувга 1 литр эритма

\*ванна таркибидаги препаратларнинг фаоллиги 17 °С даражадан паст бўлмаган ҳолда сақланади. Яъни, ваннадаги сувнинг ҳароратини назорат қилиш лозим.

Юқоридаги эритманинг ванналари самарали таъсир этиб, подадаги некробактериоз билан касалланган сигирлар сонини кескин пасайтиради, тожча флегмонаси ва ламинит билан касалланган сигирлар деярли учрамайди. Бу айниқса голштин-фриз сигирларидан ташкил топган фермаларда юқори самарага эга.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Банников В. Педилайн – новый подход к инфекционному заболеванию копыт // Биоинфо. – 2007. – №4. – С.15-16.
2. Козий В.И. Ламиниты как основные этиологические факторы язв подошвы у высокопродуктивных коров // Вет. медицина: міжвід. тем. наук. зб. – Харків, 2005. – Вип. 85. – №1. – С. 533-537.
3. Макаев Х.Н.. Некробактериоз КРС в регионах Поволжья и Урала // Вет. медицина: міжвід. тем. наук. зб. – Харків, 2005. – Вип. 85. – С. 1256-1258.
4. Мищенко В.А., А.В. Мищенко. Болезни конечностей у высокопродуктивных коров // Вет. патол. – 2007. – №2. – С. 138 – 143.
5. Татарчук О.П. Усовершенствованная схема борьбы с некробактериозом КРС // Вет. жизнь. – 2005. – №4. – С. 5-8.

<sup>1</sup>Қайноқ сув мис купоросини эритишга ёрдам беради. Агар сув қаттиқ бўлса, мис купоросини эритиш учун сирка қўшинг. Ҳар 100 литр ванна эритмасига 36%ли формальдегид (формалин) эритмасидан 5 литр қўшилади. Формалинни ишлатишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш зарур. Чунки унинг буғланиши мол учун ҳам, одамлар учун ҳам хавфли. Формалиндан фойдаланиш ҳаво яхши айланадиган жойда кўзга ҳамоя боғичи тақиш билан амалга оширилиши керак.



УДК.619.:636.2:591.69

А.С.Даминов, профессор,  
М.Н.Толлиев, магистр,  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти,  
Ф.С.Пулотов, в.ф.ф.д.(PhD),  
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

## ҚОРАМОЛЛАР БОВИКОЛЁЗИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ ХЎЖАЛИКЛАРДА ТАРҚАЛИШ ДИНАМИКАСИ

### Аннотация

В статье приведены данные о распространении а также экстенсивности и сезонные динамики бовиколеза крупного рогатого скота разных возрастов, некоторых фермерских хозяйствах Самаркандской области.

**Калим сўзлар:** Бовиколёз, бовикола, бўғимоёқлилар, ҳашаротлар, туркум, оила, авлод, жунхўрлар, тукхўрлар, патхўрлар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз аҳолисининг турли сифатли чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ҳайвонлар соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш экологик тоза ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан биридир.

Бовиколёз – *Bovicolasis Trichodectidae* оиласига мансуб жунхўр ҳашарот бўлиб, қорамолларда *bovicula bovis*, қўйларда *Bovicula ovis*, эчкиларда *bovicula carrae* томонидан кўзғатилади. Касалликнинг асосий клиник белгилари қичишиш, дерматит, жуннинг тўкилиши, ҳайвонларнинг ориқлаб кетиши билан характерланади. Ҳозирги пайтда барча мамлакатларда кавш қайтарувчи ҳайвонлар бовиколёзининг эпизоотологиясини аниқлаш, замонавий даволаш ва олдини олишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

**Бовиколёз кўзғатувчисининг систематик тавсифи.** Қорамолларнинг бовиколёз кўзғатувчиси *Bovicula bovis* кичкина қанотсиз, катталиги 1,5-5 мм узунликдаги ҳашарот бўлиб, танаси узунчоқ овалсимон, ясси шаклда, ранги қўнғир-сарғиш тусда, бош кўкрак қисмидан анча катта бўлиб, систематик жиҳатидан қуйидагича тавсифланади. Бўғим оёқлилар типиди – *Arthropoda*, Ҳашаротлар синфи – *Insecta*, Туркум – *Mallophagidae*, Оила – *Trichodectidae*, Авлод – *Bovicula*.

Жунхўрлар, тукхўрлар ва патхўрлар томонидан чақириладиган касалликлар маллофагозлар деб юритилади. Молхоналарда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, ҳайвонларни тигиз сақлаш, етарли даражада рацион асосида тўла қийматли озуқаларга бўлган талабни қондирмаслиги, зарарланган ҳайвонларнинг соғлом ҳайвонлар билан бир жойда сақланиши касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади [1].

### Summary

In this article was given information about spreading and also extensively and seasonally dynamics of cattle bovikolosis in different ages in farms in Samarkand.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Mallophaga* туркумининг 2500 дан ортиқ тур вакиллари мавжуд бўлиб, шундан фақат 300 тури кавшовчи ҳайвонларда (бовиколалар), қолган турлари эса паррандаларга (тукхўрлар ва патхўрлар) хос махсус турлар ҳисобланади. Бовиколалар қора молларда йил мобайнида учрайди, лекин уларнинг зарарланиш даражаси ва зарарланиш интенсивлиги мавсумга қараб ўзгариб туради.

Масалан, киш ойларида зарарланиш даражаси 82,4%, баҳор ойларида 99,1%, ёз ойларида 34,2 %, куз ойлари эса 63,2 % ташкил этади.

Шундай қилиб, бовиколаларнинг энг ривожланиш чўққиси баҳор ойига тўғри келади. Ёз ойларида иқлимнинг иссиқ жазирамали бўлиши бовиколаларнинг ривожланишига кескин таъсир қилади. Бундан ташқари ёз ойларида молларнинг яйраш майдончасида эркин юриши ва уларнинг туллаши бовиколалар ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Қорамолларни тигиз ҳолда сақлаш ҳам бовиколаларнинг ривожланишига ва тезда тарқалишига олиб келишини Беларуссиялик олимлар ҳам ўз маълумотларида қайд этиб ўтишган [ 8; 7-10-б.; 9; 191-193-б., 10; 193-196-б.].

Қорамолларнинг бовиколёз кўзғатувчиси *Bovicula bovis* асосан қорамоллар бош қисмининг икки шох орасида, дум илдизида, умуртқа поғонаси бўйлаб жойлашиши ва қорамолларнинг кучли безовталаниши, қичишиш, жунларини тўкилиши, терида экссудация ва қасмоқ ҳосил бўлишини, айрим ҳолатларда бовиколёз хориоптоз билан бирга учраганлиги АҚШлик олимлар томонидан қайд этилган [11; 14-35-б.]. Бир қатор муаллифлар йирик-шоҳли молларнинг бовиколёзи билан ҳамма ёшдаги қорамолларнинг касалланишини, кўзғатувчиларни асосан шохлари ва қулоқларининг асосида, думилдизи атрофида, кўкрагида ва соннинг ички тарафла-



рида жойлашиб, паразитлик қилишини, касалланган моллар жунлари тушиши ва териси гиперкератозга учрашини кузатишган. Аниқ ташхис қўйиш учун “Соллюкс” лампаси ёки микроскоп орқали амалга оширилишини таъкидлашган [2; 40-42-б., 3; 106-108-б., 4; 29-32-б., 5; 18-82-б.,6; 58-б., 7; 103-109-б.].

**Тадқиқотнинг мақсади:** Турли ёшдаги қорамоллар орасида бовиколёз тарқалишини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг вазифаси:** Самарқанд вилоятининг айрим хўжаликларидagi қорамоллар орасида бовиколёзнинг эпизоотик ҳолатини таҳлил қилиш.

**Тадқиқот усуллари:** Тадқиқотларда паразитологик, эпизоотологик, энтомологик, усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот объекти ва жойи:** Тадқиқотлар Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги “Суюнов Жўрабобо” ҳамда “Чорвадор Рўзиев Шухрат” фермер хўжаликларидa турли ёшдаги қорамолларда 2020-2021 йиллар давомида олиб борилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили:** Тадқиқотлар 5-6 ойлик, 18-20 ойлик ва катта ёшдаги ҳайвонларда ўтказилди. Тажриба ўтказилган фермер хўжаликларидa белгиланган 3та ёшдаги ҳайвонларнинг ҳар бир гуруҳида 10 бошдан ҳайвон

танлаб олинди. Текширишлар 2020 йилнинг барча ойлари ва фасллари кесимида таҳлил қилинди. Олиб борилган тадқиқотларда бовиколёз кўзгатувчиси *B.bovis*нинг турли ёшдаги қорамолларда сирка (тухум), личинка (қуртлик), имаго (вояга етган) босқичидаги эркак ва урғочиларининг экстенс зарарланиш динамикаси ўрганилди. “Суюнов Жўрабобо” фермер хўжалигини ойлар бўйича таҳлил қилганимизда, энг юқори зарарланиш даражаси март ойида 25,5%, энг паст зарарланиш сентябрь ойида 1,7%ни ташкил этди. (1-жадвал)


Иштихон туманининг иккинчи “Чорвадор Рўзиев Шухрат” фермер хўжалигида ҳайвонларни сақлаш ва озиклантириш шароити зоогигиеник ва ветеринария-санитария талабларига риоя этилмасдан сақланиши натижасида экстенс зарарланиш динамикаси анча юқори бўлиб, энг юқори зарарланиш май ойида 100%, паст зарарланиш кўрсаткичи август ойида 17,1%ни ташкил этди. (2-жадвал)

Тадқиқот олиб борилган Иштихон туманидаги “Суюнов Жўрабобо” ҳамда “Чорвадор Рўзиев Шухрат” фермер хўжаликларидaги турли ёшдаги ҳайвонларнинг бовиколёз билан зарарланишини йил фасллари бўйича таҳлил қилганимизда, “Суюнов Жўрабобо” фермер хўжалигида *B.bovis* билан


1-жадвал.

**Иштихон туманидаги «Суюнов Жўра бобо» фермер хўжалигида турли ёшдаги қорамолларнинг *B.bovis* билан ойлар бўйича зарарланиши динамикаси 2020 йил фермада жами мавжуд қорамол бои сони 450 бошни ташкил этади.**

Г/р	Ҳайвон сақланган жой	Қорамол ёши	B.bovis фазалари	Ойлар бўйича экстенс зарарланиш, %											
				I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1	Бузоқхона	5-6 ойликгача (10 бош)	Сирка	24,0	25,0	28,0	28,0	20,0	7,0	6,0	4,0	3,0	4,0	9,0	16,0
2			Личинка	22,0	23,0	27,0	26,0	16,0	5,0	4,0	3,0	1,0	2,0	7,0	14,0
3			Имаго: эркак	19,0	20,0	25,0	23,0	13,0	4,0	2,0	2,0	1,0	1,0	7,0	13,0
4			Имаго: урғочиси	18,0	21,0	26,0	24,0	15,0	4,0	2,0	2,0	2,0	1,0	6,0	14,0
5			Жами:	20,8	22,3	26,5	25,3	16,0	5,0	3,5	2,8	1,8	2,0	7,3	14,3
6		18-20 ойликгача (10 бош)	Сирка	20,0	19,0	27,0	25,0	21,0	9,0	7,0	3,0	2,0	3,0	10,0	18,0
7			Личинка	19,0	17,0	25,0	24,0	18,0	6,0	5,0	2,0	1,0	3,0	8,0	16,0
8			Имаго: эркак	16,0	16,0	23,0	21,0	17,0	5,0	3,0	2,0	1,0	1,0	8,0	14,0
9			Имаго: урғочиси	18,0	17,0	24,0	22,0	17,0	6,0	4,0	3,0	1,0	1,0	6,0	14,0
10			Жами:	18,3	17,3	24,8	23,0	18,3	6,5	4,8	2,5	1,3	2,0	8,0	15,5
11	Спирхона	катта ёшдаги (10 бош)	Сирка	20,0	20,0	29,0	26,0	19,0	8,0	5,0	4,0	3,0	4,0	11,0	17,0
12			Личинка	18,0	19,0	27,0	25,0	16,0	6,0	3,0	3,0	2,0	2,0	9,0	15,0
13			Имаго: эркак	16,0	18,0	24,0	23,0	14,0	5,0	1,0	2,0	1,0	1,0	7,0	13,0
14			Имаго: урғочиси	15,0	16,0	26,0	24,0	15,0	6,0	1,0	3,0	2,0	1,0	9,0	14,0
15			Жами:	17,3	18,3	26,5	24,5	16,0	6,3	2,5	3,0	2,0	2,0	9,0	14,8
16	Ўртача:			18,8	19,3	25,9	24,3	16,8	5,9	3,6	2,8	1,7	2,0	8,1	14,8



1-расм. “Суюнов Жўра бобо” фермер хўжалигида турли ёшдаги қорамолларни *B.bovis* билан йил фасллари бўйича зарарланиш кўрсаткичлари



2-расм. “Чорвадор Рўзиев Шухрат” фермер хўжалигида турли ёшдаги қорамолларнинг *B.bovis* билан йил фасллари бўйича зарарланиш кўрсаткичлари

2-жадвал.

Иштихон туманидаги “Чорвадор Рўзиев Шухрат” фермер хўжалигида турли ёшдаги қорамолларни *B.bovis* билан ойлар бўйича зарарланиши динамикаси 2020 йил фермада жами мавжуд қорамол бош сони 56 бошни ташкил этади.

Т/р	Ҳайвон сақланган жой	Қорамол ёши	В. bovis фаза-лари	Ойлар бўйича экстенс зарарланиш, %											
				I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1	Бузоқхона	5-6 ойликгача (10 бош)	Сирка	76,0	79,0	91,0	100,0	100,0	28,0	24,0	21,0	23,0	43,0	54,0	70,0
2			Личинка	74,0	74,0	90,0	98,0	100,0	27,0	20,0	20,0	24,0	41,0	53,0	69,0
3			Имаго: эркаги	72,0	73,0	90,0	100,0	100,0	27,0	21,0	18,0	21,0	37,0	46,0	66,0
4			Имаго: урғочиси	70,0	75,0	95,0	97,0	100,0	25,0	23,0	19,0	24,0	36,0	47,0	67,0
5			Жами:	73,0	75,3	91,5	98,8	100,0	26,8	22,0	19,5	23,0	39,3	50,0	68,0
6		18-20 ойликгача (10 бош)	Сирка	74,0	75,0	89,0	100,0	100,0	27,0	20,0	17,0	25,0	36,0	51,0	70,0
7			Личинка	75,0	74,0	91,0	97,0	100,0	25,0	21,0	15,0	23,0	37,0	49,0	68,0
8			Имаго: эркаги	71,0	71,0	90,0	98,0	100,0	24,0	19,0	18,0	24,0	30,0	45,0	64,0
9			Имаго: урғочиси	70,0	69,0	93,0	96,0	100,0	23,0	22,0	19,0	22,0	35,0	43,0	66,0
10			Жами:	72,5	72,3	90,8	97,8	100,0	24,8	20,5	17,3	23,5	34,5	47,0	67,0
11	Сигирхона	катта ёшдаги (10 бош)	Сирка	70,0	75,0	91,0	100,0	100,0	24,0	23,0	15,0	22,0	33,0	44,0	68,0
12			Личинка	69,0	78,0	92,0	98,0	100,0	22,0	21,0	14,0	23,0	30,0	45,0	65,0
13			Имаго: эркаги	64,0	70,0	85,0	94,0	100,0	19,0	18,0	13,0	20,0	28,0	40,0	63,0
14			Имаго: урғочиси	68,0	65,0	89,0	97,0	100,0	23,0	20,0	16,0	20,0	31,0	42,0	64,0
15			Жами:	67,8	72,0	89,3	97,3	100,0	22,0	20,5	14,5	21,3	30,5	42,8	65,0
16	ўртача:			71,1	73,2	90,5	97,9	100,0	24,5	21,0	17,1	22,6	34,8	46,6	66,7

Турли ёшдаги қорамолларнинг йил фаслларида *B.bovis* билан зарарланиш даражаси.

Хўжалик номи	Баҳор %	Ёз %	Куз %	Қиш %
“Суёнов Жўра бобо” ф\х	22,3	4,1	3,9	17,6
“Чорвадор Рўзиев Шухрат” ф\х	96,1	20,9	34,6	70,3

зарарланиш баҳор ойида 22,3%, ёзда 4,1%, кузда 3,9%, қишда 17,6% ни ташкил қилди. (3-жадвал)

Жадвалдан кўриниб турибдики, энг юқори зарарланиш баҳор ва қиш ойларига тўғри келмоқда.

Иккинчи “Чорвадор Рўзиев Шухрат” фермер хўжалигини ҳам йил фасллари бўйича таҳлил қилганимизда, зарарланиш мос равишда 96,1;20,9;34,6;70,3 ни ташкил этди.(3-жадвал)

Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда, бовиколёз билан зарарланиш иккала хўжаликда ҳам йилнинг баҳор ва куз ойларида юқори даражада эканлиги қайд этилди (№ 1,2-расм).

Бунинг сабабини бизлар бу ойларда ҳаво намлигининг юқори бўлиши, ҳайвонлар ёпиқ биноларда зич сақланиши ҳамда ҳайвонлар резистентлиги нисбатан паст бўлиши, улар сақланадиган молхоналарнинг зоогигиеник талабларга етарли даражада жавоб бермаслиги, озик рационининг меъёрий талабларидан паст даражада таъминланганлиги каби омиллар билан боғлиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Хулосалар:** 1.Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани “Суёнов Жўрабобо” ҳамда “Чорвадор Рўзиев Шухрат” фермер хўжаликларида қорамоллар орасида *B.bovis*нинг кенг тарқалиб бораётганлиги аниқланди.

2. *B.bovis* тарқалишини йил фасллари бўйича таҳлил қилганимизда, иккита фермер хўжалигида ҳам баҳор ва қиш ойларида юқори даражада эканлиги кузатилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абуладзе К.И паразитология и инвазионные болезни сельско-хозяйственных животных // - М.: “Агропромиздат” 1990 – Сю 451-453

2. Белова Л.М., Токарев А.Н. Применение препарата «Барс» при демадекоза крупного рогатого скота // Мат. Международной выставки «Ветеринария, зоотехния, комбикорма». – Москва, 2007. – С. 40-42.

3. Белова Л.М., Токарев А.Н. Возможность применения инсектоакарицидных капель «Барс» при эктопаразитозах крупного рогатого скота // Ж. Ветеринарная практика. – Москва, 2008. - № 3. – С. 106-108.

4. Белова Л.М., Токарев А.Н. Эктопаразиты крупного рогатого скота в хозяйствах Ленинградской области // Известия Калининградского государственного технического университета. - Москва, 2008. - № 13ю – Сю 29- 32.

5. Белова Л.М., Токарев А.Н. Распространение эктопаразитов крупного рогатого скота в хозяйствах Ленинградской области // Мат. конференции «Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями» (ВИГИС). – Москва 2008. – С 18-82.

6. Медведев Г.С Определитель насекомых Европейской часеи СССР / Кн «Перепанчатокрылые». – М., 1978.- Л.- т. 3- ч 2. – С. 58.

7. Рейхардт А. Н. Фауна СССР. Жесткокрылые. Сем. Histeridae // - М /- Л.,1941 С. 103-109.

8. Шагако Н.М., Корочкин Р. Бовиколёз крупного рогатого скота:особенности биологии власоедов и методы борьбы //“Журнал ветеринарное дело”,- Витебск,2015,-№12 (54),-С.7-10

9. Шагако Н.М., Криворучко Е.Б. Сравнительная инсектицидная эффективность Ивертина и Кипромека при бовиколёзе крупного рогатого скота. Паразитарные системы и паразитоценозы животных //Материалы В научно-практической конференции Международной ассоциации паразитоценологов.- Витебск, 24-27мая. - С.191-193.

10. Шагако Н.М. Особенности биологического цикла *Vovicola bovis* в условиях Республики Беларусь, // Паразитарные системы и паразитоценозы животных //Материалы В научно- практической конференции Международной ассоциации паразитоценологов, г.Витебск, 24-27 мая 2016.-С.191-193.

11. Geden C., Rutz D., Bishop D., Cattle Lice (Anoplura, Mallophaga) in New York: Seasonal population changes, effects of housing type on infestations of calves and sampling efficiency // J. of Econ. Entomol. – 1990.-№ 4. –P. 14-35.

УДК: 616.636.095

Х.А.Сафаров, таянч докторант,  
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

## САМАРҚАНД ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ЧОРВА МОЛЛАРИ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИК ҲОЛАТИ

### Аннотация

Приведена информация о распространении и основных гельминтозах сельскохозяйственных животных - крупного рогатого скота, овец и лошадей в Центральном регионе Узбекистан страны Самаркандской области и Южном регионе - Кашкадарьинской области.

**Калит сўзлар:** гельминт, гельминтоз, гельминтоооскопия, гельминтолорвоскопия, эпизоотологик ҳолат, нематодоз, трематодоз, цестодоз.

Республикамиз миқёсида охириги йилларда чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бўлган қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандацилик, балиқчилик, асаларичилик соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, чорва моллари наслини яхшилаш, уларни кўпайтириш, олинадиган сут, гўшт каби озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, санотни тери, жун каби хомашёлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга эришиш учун турли юкумли, паразитар ва юкумсиз касалликларнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Паразитар касалликлар орасида турли гельминтозлар алоҳида ўринни эгаллайди [1,2,3]. Ичаклар, ширдон, жигар, ўпка каби паренхиматоз органлар ҳамда ошқозон-ичак тизимида паразитлик қилувчи нематод ва цестодларнинг ҳайвон организмга патологик таъсири натижасида ўсиш ва ривожланишдан ортда қолиш, она қўйлардан олинадиган кўзи бош сонининг, қорамоллар сут маҳсулдорлигининг камайиши, касалликнинг олдини олиш ва даволаш ишлари туфайли хўжаликларга катта иқтисодий зарар етиши кузатилади [1,]. Гельминтозларга қарши самарали кураш чораларини иш-

### Summary

Information on helminthiases of farm animals - cattle, sheep and horses in the center of the country in the Samarkand region and the southern region - Kashkadarya region, located and the main helminthiases, which are widespread and occupy a special place in animal pathology, is given.

лаб чиқиш учун энг аввало уларнинг тарқалишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга [2,3].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Республикамизнинг марказий ва жанубий минтақалари бўлган Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида чорва моллари – қорамоллар, қўй-эчкилар ва отларда паразитлик қилувчи гельминтозларнинг эпизоотологик ҳолати, касаллик кўзғатувчиларининг тарқалиш даражаси ва асосий гельминтозларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот объекти ва услублари.** Тадқиқотлар Самарқанд вилоятининг Тойлоқ, Ургут, Пахтачи ва Нуробод туманларида, Қашқадарё туманининг Китоб, Ғузур туманларида олиб борилди. Тадқиқотлар давомида чорва молларининг гельминтлар билан зарарланганлиги ўрганилди. Тезак намуналари гельминтоооскопиянинг Флюборн ва кетма-кет ювиш усуллари ҳамда гельминтолорвоскопиянинг Берман-Орловнинг Ветеринария илмий-тадқиқот институтида (ВИТИ) томонидан такомиллаштирилган усуллари (Я.Д.Никольский, 1961) билан текширилди.

**Тадқиқот натижалари.** Чорва молларининг асосий гельминтозларини аниқлаш ва уларнинг тарқалиш даражаси бўйича маълумотлар олиш мақсадида 2021 йилда Республикамизнинг Самар-

1-жадвал.

**Қашқадарё вилояти чорва моллари – қорамол ва қўй-эчкиларнинг гельминтозлар билан экстенс зарарланганлиги, гельминтокопрологик текширишлар асосида.**

Гельминтозлар	Қорамоллар n=37		Қўй-эчкилар n=227	
	бош	%	бош	%
Маршаллагияоз	10	27,02	114	50,2
Нематодироз	7	18,9	89	39,2
Бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари	17	45,9	51	22,4
Фасциолёз	6	16,2	22	9,7
Мониезиоз	6	16,2	13	5,7
Умумий зарарланганлик	28	75,67	199	87,66



*Самарқанд вилояти чорва моллари – қорамол ва қўй-эчкиларнинг гельминтозлар билан экстенс зарарланганлиги, гельминтокопрологик текширишлар асосида*

Гельминтозлар	Қорамоллар n=87		Қўй-эчкилар n=115	
	бош	%	бош	%
Маршаллагииоз	5	5,74	42	36,52
Нематодироз	11	12,64	35	30,43
Бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари	17	19,54	30	26,08
Фасциолёз	7	8,04	65	56,52
Мониезиоз	6	6,89	7	6,08
Трихоцефалёз	-	-	2	1,73
Парамфистоматоз	8	9,19	-	-
Умумий зарарланганлик	52	59,77	91	79,13

қанд ва Қашқадарё вилоятларида жаъми 124 бош қорамоллар, 342 бош қўй-эчкилар (асосан қўйлар), 34 бош от, жаъми 500 бош чорва молларидан олинган тезак намуналари гельминтоооскопик ва гельминтоларвоскопик услублар билан текширилди. Олинган маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятида текширилган 227 бош қўйларнинг 114 боши яъни 50,2 фоизи маршаллагииоз, 89 бош (39,2%) қўйларда нематодироз, 51 бош ёки 22,4% қўйлар бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари билан зарарланганлиги аниқланди. Текширилган қўйларнинг 22 боши ёки 9,7 фоизи фасциолёз, 13 бош қўй (5,7%) мониезиоз билан зарарланган эди. Олдин кенг тарқалган гельминтозлардан диктиокаулёз билан зарарланган қўйлар учрамади (1-жадвал).

Қашқадарё вилоятида текширилган 37 бош турли ёшдаги қорамоллар (6 ойликкача бузоқлар, 1-2 ёшлик ёш моллар ва 3 ёшдан катта моллар) гельминтологик текширилганда, улар орасида 27,02 % ёки (10 бош) маршаллагииоз, 18,9% (7 бош) - нематодироз, 45,9 фоизи (17 бош) бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари, 16,2% (6 бош) фасциолёз, 16,2% (6 бош) мониезиоз кўзгатувчилари билан зарарланганлиги аниқланди. Қорамолларнинг гельминтозлар билан умумий зарарланганлиги 87,66 фоизни ташкил қилади ва улар асосан ошқозон-ичак стронгилятозлари – остертагииоз, трихостронгилёз, коопериоз эканлиги аниқланди. Қўйлар орасида кенг тарқалган (50,2%) маршаллагииоз атиги 27,2 фоиз қорамолларда аниқланди. Нематодироз 18,9% молда аниқланди.

Демак, чорва моллари, айниқса, қўйлар орасида гельминтозлар кенг тарқалган бўлиб, асосий гельминтозлар – маршаллагииоз, нематодироз, бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари, фасциолёз ва мониезиоз каби гельминтозлар ҳисобланади.

Ушбу маълумотлар айнан шу гельминтозларнинг олдини олиш ва даволашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кўпроқ маҳаллий антгель-

минт воситалар излаб топиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Самарқанд вилоятида олиб борилган тадқиқотларда 87 бош қорамол ва 115 бош қўйлар гельминтокопрологик усуллар билан текширилди. Олинган маълумотларга кўра, (2-жадвал) текширилган 115 бош қўйларнинг 42 боши, яъни 36,52 фоизи маршаллагииоз, 35 бош (30,43%) қўйда нематодироз каби гельминтозларнинг кўзгатувчилари паразитлик қилиши, 30 бош ёки 26,08% ҳайвонларда бошқа ошқозон-ичак стронгилятозларини кўзгатувчи нематодалар паразитлик қилиши аниқланди. Текширилган қўйларнинг 65 боши ёки 56,52 фоизи фасциолёз, 7 бош қўй (6,08%) мониезиоз билан, 2 боши (1,73%) трихоцефалёз билан зарарланган эди. Олдин кенг тарқалган гельминтозлардан диктиокаулёз билан зарарланган қўйлар учрамади.

Самарқанд вилоятида текширилган 87 бош турли ёшдаги қорамоллар (6 ойликкача бузоқлар, 1-2 ёшлик ёш моллар ва 3 ёшдан катта ёшдаги моллар) гельминтологик текширилганда, улар орасида 5,74 % ёки (5 бош) маршаллагииоз, 12,64% (11 бош) нематодироз, 19,54 фоизи (17 бош) бошқа ошқозон-ичак стронгилятозлари, 8,04% (7 бош) фасциолёз, 6,89% (6 бош) мониезиоз ва 9,19% (8 бош) парамфистоматозлар кўзгатувчилари билан зарарланганлиги аниқланди. Бу молларнинг гельминтозлар билан умумий зарарланганлиги 59,77 фоизни ташкил қилиши ва улар асосан ошқозон-ичак стронгилятозлари – остертагииоз, трихостронгилёз, коопериоз эканлиги аниқланди.

Текширилган 34 бош отларнинг гельминтозлар билан зарарланганлиги аниқланди. Натижада стронгилёз билан - 19 бош (55,88%), стронгилидоз билан - 23 бош ёки 67,64 фоизни, трихонемоз билан – 16 бош ёки 41,17 фоизни, параскаридоз билан 7 бош, 20,58 фоизни, фасциолёз билан эса 2 бош (5,88%) отлар зарарланганлиги кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

**Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида отларнинг гельминтозлар билан зарарланганлиги (n=34, гельминтокопрологик текширишлар асосида)**

Гельминтозлар	Экстенс зарарланганлик	
	Бош	%
Стронгилёз	19	55,88
Стронгилидоз	23	67,64
Трихонемоз	16	41,17
Параскаридоз	7	20,58
Фасиолёз	2	5,88
Умумий зарарланганлик	25	73,52

**Хулосалар:**

1. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида чор-ва моллари орасида гельминтозлар кенг тарқалган бўлиб, улар хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказиб келаётган касалликлар ҳисобланади.

2. Қашқадарё вилоятида 75,67% қорамоллар умуман гельминтозлар билан зарарланган бўлиб, улар орасида ошқозон-ичак стронгиллятозлари, фасиолёз ва мониезиоз асосий гельминтозлар ҳисобланади. Самарқанд вилоятида қорамолларнинг 59,77 фоизи умуман гельминтозлар билан зарарланган бўлиб, бу

вилоятда ҳам ошқозон-ичак стронгиллятозлари ва фасиолёз асосий гельминтозлар эканлиги аниқланди.

3. Қўйлар орасида ҳам иккала вилоятларда ошқозон-ичак стронгиллятозлари, фасиолёз ва мониезиоз кенг тарқалган ва асосий гельминтоз ҳисобланади.

4. Отлар орасида умумий гельминтозлар билан зарарланганлик 73,52 фоизни ташкил қилди ва улар орасида стронгилёз, стронгилидоз ва трихонемоз энг кенг тарқалган асосий гельминтозлардир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Джаббаров Ш.А. Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. Док.дисс. автореферати. 2017 й.

2. Орипов А.О., Джаббаров Ш.А., Юлдашев Н.Э., Амонов О.З., Ахмедов Б.Н., Исаев Ж.М., Улашов И.А. Чорва молларининг асосий гельминтозлари ва уларга қарши курашнинг замонавий услуб-воситалари. Veterinariya meditsinasi. №2. 2021 у. 16-20 б.

3. Орипов А.О., Джаббаров Ш.А., Юлдашев Н.Э. Гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуб ва воситалари бўйича амалий тавсиялар. Veterinariya meditsinasi. №3. 2021 у. 27-28 б.

**ЖОНКУЯР ИНСОНЛАР ЭДИ**

**ХОТИРА**



**Тен Руслан Моисеевич.** Уни нафақат пойтахтда, балки республикаимизнинг турли чеккаларида меҳнат қилаётган тажрибали ветврачлар яхши билар, ҳурмат қиларди. Шафқатсиз ўлим Руслан Моисеевични 68 ёшида орамиздан олиб кетди. У билимдон, ўз касбининг устаси, шогирдларидан маслаҳатини аямайдиган, ветеринария билан боғлиқ муаммоларни атрофлича таҳлил эта оладиган зукко инсон эди. Ўзбекистонда яшаб, шу ерни ватан билган корейслар орасида катта эътибор қозонган ветврач ўз фарзандларини ҳам ветеринария илми ва амалиётига кизиқтира олган, ҳар гал суҳбатлашганимизда кўмита раиси томонидан соҳада катта ишлар олиб борилаётганини қувонч билан таъкидлаб қўярди. Ҳатто ўтган йил бошларида ишхонамизга келиб, “Бастамқул ака (Б.Сайиткулов назарда тутилмоқда, устознинг охиратлари обод бўлсин) корейс ветврачлар ҳақида мақола берайлик, устозларни хотирлайлик, ёшларга омад тилайлик”, деганди. Шу тариқа журналда мақола бергандик. Тақдирни қарангки, бугун унинг ўзи ҳам марҳум устозлар қаторидан жой олди. Албатта у бошлаган хайрли ишлар унут бўлмайди, шогирдлари ёшлар Руслан Моисеевичнинг хайрли ишларини давом эттирмоқда.

Нашримиз саҳифаланаётган кунлар Фарғонадан шумхабар олдик. Бағридарё инсон, танги ветврач, фарғоналик ёшларнинг меҳрибон устози, Фарғона тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи **Мирзаев Муҳиддин Бўрибоевич** 67 ёшида вафот этибди. Охиратлари обод бўлсин, дедик. Қурьону карим оятларидан тиловатлар қилиб, марҳумнинг оиласига, барча яқинларига, шогирдлари ва сафдошларига Аллоҳдан сабр-тоқат тиладик.

Муҳиддин ака ҳақида сўзлаганда бир гапни такрор ва такрор айтгимиз келади. У нафақат шогирдларию ветеринария ходимлари учун, балки чорвадор фермерлар учун ҳам жонкуяр эди. Каттаю кичик йиғилишларда кимдир ҳамкасбларига ногоҳ тош отса, чидаб туролмас, аммо босиқлик билан сўз оларди. «Чорвадору ветврач Яратганнинг ардоқли бандаси, ҳар иккиси ҳам элнинг тўқлигини, тўй-томошаси, дастурхони тўқин бўлишни кўзлайди, уларни руҳлантиринг, ҳар қанча хизматга тайёр туради» дерди у. Ана шу билимдон инсон туман ветеринария бўлимини узоқ йиллар бошқарди, нафақага чиққандан сўнг ҳам ишдан кетмади, креслога ёпишиб қолгани учун эмас, ҳамкасблар шуни истагани учун. Бугун эса у орамизда йўқ. Айтишларича, ўрни жуда билинапти, начора Аллоҳнинг иродаси. Аммо ҳеч шубҳа йўқки, унинг доно гаплари, раҳбар сифатида кўрсатган йўл-йўриқлари фарғоналик шогирдлари меҳнатида намоён бўлиши тайин. Ана шу кишига таскин беради.



Сирожиддин

УДК: 636.92:576.89

Хушназаров Алишер Худойберди ўғли, таянч докторант,  
Давлатов Равшан Бердиевич, профессор,  
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

## ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИ ДАВОЛАШДА ЯНГИ ЭЙМЕРИОСТАТИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

### Аннотация

Статья приведена лечебно-профилактические действия современных эймериостатических препаратов «Intracox oral» (Interchemie werken “De Adelaar” B.V. Metaalveg Gollandiya) и «фуразолидон», которые экономическая эффективность составляет 98 и 75% соответственно.

### Summary

The article describes the therapeutic and prophylactic actions of modern eimeriostatic drugs «Intracox oral» (Interchemie werken «De Adelaar» B.V. Metaalveg Gollandiya) and furazolidone, which economic efficiency is 98 and 75%.

**Калит сўзлар:** қуён, эймериоз, эймериостатик, intracox oral, фуразолидон, toltrazuril, кимёпрофилактика.

**Қириш.** Республикамизда чорвачилик қишлоқ хўжалигининг устувор соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тармокнинг қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 46,3 фоизни ташкил қилади. Биз ўрганаётган қуёнчилик-чорвачиликнинг кичик тармоғи сифатида асосан аҳоли хонадонларида кўпайтирилиб, бугунги кунда қуёнчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари сони жуда озчиликни ташкил қилади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланган ҳозирги даврда қуёнчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу долзарб вазифани бажаришда қуёнларда учрайдиган айрим паразитар касалликларнинг тўскинлик қилиши кузатилиб, уларнинг олдини олиш ва самарали даволаш усуллари ни жорий этиш ушбу тармоқ учун ишлаб чиқаришдаги зарурат ҳисобланади. Чунки сўнгги йилларда республикамизда қуёнларнинг паразитар касалликлари (эймериоз ва бошқалар) илмий изланувчилар томонидан деярли ўрганилмаган.

Қуён эймериози-бир хужайрали содда паразитлар – эймериялар кўзғатадиган инвазион касаллик ҳисобланади. Қуёнларда эймериоз касаллиги (*Eimeria stiedae*) турли клиник шаклларда кечади [3]. Эймериоз касаллиги билан асосан 3 ойликкача бўлган қуён болалари оғир касалланади. Касаллик мураккаб патологик ўзгаришлар билан кечганда қуёнларнинг ҳазм тизимидаги бузилишлар оқибатида ҳаракатчанлиги кескин пасайиб кетади, озиқланиши сустлашади,

ичак фаолияти бузилади (ич кетади), ич кетиши баъзан қон аралашган ҳолда кечади, натижада қуёнлар ўсишдан қолади ва ўлим ҳолатлари кузатилади [1,2]. Касалликни ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва олдини олишда юқори самарадор воситаларни қўллаш касал қуёнларнинг эртачи соғайишига имконият яратади ва иктисодий зарарнинг камайишига кўмак беради [4].

**Тадқиқот мақсади.** Қуёнлар эймериозини даволашда янги эймериостатик препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш.

«Intracox oral» (Interchemie werken “De Adelaar” B.V. Metaalveg Gollandiya) ва ўзаро таққослаш учун фуразолидон препаратларининг эймериостатик таъсирларини ўрганиш.

**Тадқиқот усуллари ва натижалари.** Илмий тадқиқот давомида экспериментал, микроскопик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Касалликка гумон қилинган ва касалланган қуёнларнинг 3-5 гр тезак намунаси олиниб, Дарлинг усули бўйича копрологик текширув ўтказилди. Текширилган қуёнлар тезак намунасининг кўпчилигида эймерия ооцисталари мавжудлиги аниқланди.

Ушбу қуёнлар аналоглар қонидаси асосида 4 гуруҳга: 1- соғлом назорат гуруҳи; 2- касалланган назорат гуруҳи; 3-4 - тажриба гуруҳларига ажратилди (1 жадвал).

Текширувлар давомида ҳар тўртала гуруҳ қуёнлари клиник, паразитологик, микроскопик текширилгандан сўнг, эймериоз аниқланган 3-4-гуруҳ қуёнларига қуйидаги эймериостатик дорилар синовдан ўтказилди.

1-жадвал.

### Қуёнларни копрологик текшириш натижалари.

Гуруҳ	Тажриба назорат	Қуёнлар сони	Текшириш усули	Микроскопия натижалари
1 гуруҳ	Соғлом	65	Дарлинг	Салбий
2 гуруҳ	Касал назорат гуруҳи	65	Дарлинг	Ижобий
3 гуруҳ	Тажриба	65	Дарлинг	Ижобий
4 гуруҳ	Тажриба	65	Дарлинг	Ижобий

2 -жадвал.

Кўён эймериозини даволашда синондан ўтказилган дориларнинг самарадорлик кўрсаткичлари.

№ гуруҳлар	Гуруҳлар номи	Дорилар номи	Дори дозаси (мл/л сувга ва 0,5 гр 1 кг емга )	Гуруҳдаги кўён сони	Гуруҳдаги кўёнларнинг сақланиши, %	Дори берилгач инвазиянинг интенсивлиги						Дорининг самарадорлиги, %
						Текширув кунлари (ооцисталар сони, нусха)						
						3 - кун	4 - кун	5 - кун	6 - кун	7 - кун	8 - кун	
1	Соғлом назорат гуруҳи	-	-	65	100	-	-	-	-	-	-	-
2	Касал назорат гуруҳи	-	-	65	60	15,6	16,9	21,6	18,6	16,4	17,2	-
3	Тажриба гуруҳи	Intracox oral	1 мл 1 л сувга	65	100	10,1	9,9	7,3	5,4	2	1	95
4	Тажриба гуруҳи	Фуразо - лидон	0,5 гр 1 кг емга	65,4	95	12,2	11,9	10,8	6,8	3,2	2	75

3-гуруҳ кўёнларига «Intracox oral» препарати 1 мл микдорда 1000 мл сувга эритилиб, 2 кун давомида узлуксиз берилди;

4-гуруҳ кўёнларига эса фуразолидон дорисидан 0,5 гр 1 кг емга микдорда аралаштириб, 9 кун давомида узлуксиз берилди.

1-2- назорат гуруҳларидаги кўёнларга дори берилмади. (1-расм) Қўлланилган дори воситаларининг самарадорлиги касалликнинг клиник белгилари ва лаборатория текшириш натижаларига асосан аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, препаратлар узлуксиз равишда 2 кун давомида берилганда 3-гуруҳ кўёнларида ўлим ҳолати кузатилмади. 4-гуруҳдаги 3 бош кўён нобуд бўлди. 2-назорат гуруҳида эса 5 бош кўён нобуд бўлди. Препаратлар берилгандан сўнг белгиланган схема бўйича такрорий копрологик текширувлар ўтказилиб, эймерия ооцисталарининг ажралиш интенсивлиги кўрсаткичи бўйича эймериостатик табир этиш фаоллиги аниқланганида, 3-гуруҳда синалган препаратнинг самарадорлик кўрсаткичи 95 % ни, 4-гуруҳда эса самарадорлик 75 % ни ташкил қилганлиги қайд этилди (2 жадвал).



1-расм. “Мақсудабону бизнес сервис” ХК даги тадқиқот жараёни

**Олинган натижалар таҳлили.** Шундай қилиб, 3-гуруҳ кўёнларига «Intracox oral» препарати 1 мл микдорида 1000 мл сувга аралаштириб, 2 кун давомида, 4-гуруҳ кўёнларига эса фуразолидон препарати 0,5 гр 1 кг емга аралаштириб, 9 кун давомида узлуксиз берилган. Натижада қўлланилган «Intracox oral» (Interchemie werken “De Adelaar” B.V. Metaalveg Gollandiya) препаратининг самарадорлиги 95% ни, фуразолидон препаратининг самарадорлиги эса 75% ни ташкил этди. 1-2 гуруҳдаги кўёнларга эса препарат қўлланилмади (назорат).

**Хулоса.** Ўтказилган дастлабки тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, кўёнларнинг инвазион касалликлари ичида эймериоз кенг тарқалган бўлиб, унинг тарқалиши, диагностикаси ва замонавий кимёпрофилактикасини ўрганиш, амалиёт ва ишлаб чиқариш учун муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, янги эймериостатик препаратлардан Introcox oralнинг самарадорлиги юқори бўлиб, уни амалиётда 1 мл/1 л сувга микдорда қўлланилишини тавсия қиламиз.

Катакларда кўёнларни зич сақламаслик, охур ва сув идишларини тез-тез тозалаб туриш касаллик тарқалишининг олдини олади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Ғ.Ғафуров, Р.Б.Давлатов, Ў.И.Расулов. // Ветеринария протозоологияси (Ўқув қўлланма). Самарқанд-2013. 83-87 б.
2. А.Ғ.Ғафуров, Р.Б.Давлатов, Ў.И.Расулов. // Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касалликлари. Самарқанд-2010. 80-83 б.
3. Б.Сайитқулов, Ҳ.Салимов, А.Орипов., К.Норбоев. / Ветеринария мутахассислари учун қисқача маълумотнома. Тошкент-2015. 213-215 б.
4. Л.И.Иргашева. // Кокцидоз кроликов и меры борьбы с ним в Узбекистане. Автореферат. Самарқанд-Тайляк-1983.2-17 б.



## ВЛИЯНИЕ ЗООГИГИЕНИЧЕСКИХ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ РЕЖИМОВ НА ОРГАНИЗМ ЖИВОТНЫХ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОГО КЛИМАТА

### Аннотация

В статье описаны выращивание чистопородных племенных животных, организация зоогигиенических и технологических режимов, целенаправленное кормление и содержание а также создание для них оптимального микроклимата в помещениях особенно в жаркие периоды года, с учетом экологических зон.

### Annotation

The article describes the cultivation of purebred breeding animals, the organization of zoohygienic and technological regimes, purposeful feeding and maintenance, as well as the creation of an optimal indoor microclimate for them, especially in hot seasons, taking into account ecological zones.

**Ключевые слова:** экология, климата, продуктивность, зоогигиена, резистентность, циклограмма, микроклимат, гигиена, корова, адаптация, профилактика, гематокрит.

**Введение.** В условиях резко континентального климата Узбекистана с интенсивным развитием животноводства актуальной задачей является изучение адаптивных реакций т.е. обще физиологических показателей и резистентность организма, роста и развития молодняка и молочную продуктивность племенных животных. На основе полученных результатов научных исследований совершенствовать технологические приемы и гигиену содержания животных применительно к экологическим условиям т.е. создать оптимальный микроклимат для различных возрастных групп, направленные на повышение продуктивности и снижение заболеваемости крупного рогатого скота. Однако, животные выращенные в условиях умеренного климата, попадая в новые для него экологические условия жаркого климата нередко не только снижают продуктивность, но и трудно адаптируются.

Поэтому ключевым звеном при выращивании чистопородных племенных животных, являются организация зоогигиенических и технологических режимов, целенаправленное кормление и содержание а также создание для них оптимального микроклимата в помещениях особенно в жаркие периоды года, с учетом экологических зон страны.

В связи с вышесказанными комплексное изучение биологических особенностей организма и течение периода акклиматизации телят и первотелок в различных экологических зонах приобретает особую актуальность и имеет важное научно – практическое значение, так как на основе полученных результатов позволяет разработать эффективные методы содержания и сохранения молодняка в экстремальных условиях южных зонах республики.

Цель наших исследований – определить клинико-физиологическое состояние, естественную резистентность организма, рост и развитие телят и продуктивность первотелок чистопородных животных (Голштинофриз, красный степной и улучшенного скота) размещенных на типовых фермах Кашкадарьинской, Самаркандской и Наваийских областях. На большинстве фермах построены профилакторий на 36-48 мест, родильное отделение на 12-20 мест, комната с доильной установкой на 16-20 коров, трех стенные и теневые навесы на 100-200 голов со свободно - выгульными площадками с твердым покрытием.

Нами в профилакториях и телятниках была сформулирована группа телят – аналогов (10 – подопытные и 10 – контрольные) и коров первотелок (20-опытные и 20 контрольные) которых содержали согласно циклограмме в различных технологических этапах содержания. При анализе технологических этапов в проектной решении различных ферм установлено, что первый период выращивания проходит в трех, а содержание в двух цехах.

В первом (карантинном отделении) предусмотрено содержание телят 20-60 дневного возраста в индивидуальных клетках размером 1,2x0,5x1,0 м, или групповым по 5-8 гол. где температура в помещении (по проекту) зимой должна поддерживаться в пределах 16°C, летом 20-22°C, относительная влажность до 70%.

Во второй цех переводят телят в возрасте 60 дней. Здесь они находятся до 4 месяцев. Содержание их (по 10-12 гол.) беспривязное, боксовое. Между боксами и кормушками полы дощатые. Размер бокса 1,2 x 0,55 м.

В третьем цехе телята находятся с 4 до 8-месячного возраста. Содержание в секциях (по 20 гол.), групповое, беспривязно - боксовое. Коров – первотелок содержали с начала в родильном цехе, потом в цехе свободно – выгульном способе под трех стенными навесами.

Следует отметить, что полноценное и сбалансированное кормление являются одним из основных факторов при интенсивном выращивании молодняка крупного рогатого скота. До 120-дневного возраста общая питательность кормов составляет около 600 корм.ед., рассчитанная на 500-600 среднесуточного прироста массы тела.

Второй период – дорастивание, самый важный, так как в этот период необходимо в разных экологических зонах создать оптимальные зоогигиенические условия для интенсивного роста и развития молодняка. Прирост массы тела за это время должен составить 600-700 г в сутки.

При анализе технологии содержания телят – молочников в профилакториях одной из ферм установлено, что профилакторий первого варианта размером 11x14 м заблокирован с родительным отделением и рассчитан на 28 мест. Телят после рождения содержат в индивидуальных клетках, через 3-5 дней переводят в групповые секции (по 5 голов), размер которых 4 x 4 м пол деревянный с подстилкой (древесные опилки).

Во втором варианте, технология содержания телят в сменных профилакториях. Вход в них через двери тамбура, устроен дезбарьер размером 1,5x0,2 м.

Разработан четкий распорядок дня и технология содержания дифференцированно для новорожденных телят. Каждую групповую секцию профилактория заполняют в течении 2-4 дней. Теленка оставляют в родильном боксе с коровой на 36-48 часов. В дальнейшем до 10-дневного возраста ему дают только материнское молозиво и молоко из сосковых поилок по 1,5-2 литра на одно кормление.

Для создания и поддержания оптимального микроклимата для разных экологических зонах, в секциях профилактории в зимний период используют электрические нагревательные приборы с центробежными вентиляторами Ц 4-70 и №4 и 5, а также инфракрасные лампы (ИКЗ – 200x500, ИКУФ 200-500) для локального обогрева, согласно предложенными нами режимов работы.

В условиях профилактория и в первом периоде выращивания молодняка за ряд лет проанализировали формирование микроклимата и естественную защитную функцию организма с учетом технологических этапов содержания и сезонов года.

Критериями оценки естественной резистентности служили бактерицидная и лизоцимная актив-

ность сыворотки крови и фагоцитарная активность нейтрофилов, содержание гемоглобина, общего белка и его фракций, количество эритроцитов и лейкоцитов, которые определяли по общепринятым методам.

При анализе микроклимата в профилакториях указанных молочных ферм установлено, что температура воздуха колебалась в пределах 16,5-34,6°C, относительная влажность – 35-85%, скорость движения воздуха – 0,1-0,3 м/сек, в среднем соответственно 23,7°C. 62% и 0,2 м/сек, то есть эти показатели значительно отличались от допустимых зоогигиенических норм для этой технологической группы.

Количество вредных газов в зданиях для содержания телят второго цеха также постоянно находилось в пределах максимальных величин (25-40%) в основном из-за плохой работы систем вентиляции, особенно в зимний период.

В таких экологических жарких условиях в профилакториях бактериальная обсемененность воздуха была выше допустимой нормы в несколько раз и временами составляла 220 тыс.микробных тел в куб.м воздуха. Возможно, по этой причине заболеваемость новорожденных телят достигла 35-50 %. Количество микроорганизмов в воздухе профилактория зимой было в пределах 60-200 тыс., весной – 30-96 тыс./м<sup>3</sup>. Это объясняется тем, что в зимне-весенние периоды в связи с обогревом помещений шахты закрывают, а вентиляторы работают только в теплые дни, поэтому содержание вредных газов и микробов в несколько раз превышает предельно допустимую концентрацию для телят.

Среднесуточный прирост массы у подопытных животных в профилакториях за указанный период колебался от 380 до 510 г в сутки.

Установлено, что в сыворотке крови подопытных животных профилактории способность гуморальных факторов подавлять тест-культуру была более выражена, чем у телят профилактория первого варианта. Через 2 часа контакта культуры с сывороткой крови число колоний микроорганизмов, выросших на питательной среде, в первом варианте было меньше на 6,5%, чем у телят второго варианта, а через 3 часа соответственно на 3,5-3,8% меньше.

Максимальный бактерицидный эффект сыворотки крови проявлялся через 4 часа контакта с микробной культурой и составлял у телят, выращенных в сменных профилакториях, 94,8%, у находящихся в индивидуальных клетках, а затем переведенных в групповые секции – 91,6%. Лизоцимная активность сыворотки крови была более выражена у животных второго варианта профилактория, У них содержа-

ние общего белка было больше на 0,6%, а величина гематокрита – на 1,2%.

При анализе гуморальных защитных факторов организма животных отмечено, что у телят в сменных профилакториях уровень естественной резистентности был выше и они лучше адаптировались в условиях жаркого климата.

Значительное влияние на повышение естественной резистентности оказывали регламентированные технологические режимы при выращивании телят-молочников, то есть постоянный моцион нетелей и режимное купание их в душевые установки жаркие дни, внедрение семенных профилакториев, использование инфракрасного и ультрафиолетового облучения, а также содержание животных под тенью навесами и в тени зеленых насаждений в жаркие периоды года.

В дальнейшем установили, что при свободно-выгульном способе выращивания молодняка, когда температура воздуха была в пределах допустимых нормативов (17-22°C), у животных третьей группы активнее проявлялись некоторые факторы клеточной и гуморальной защиты: повышалась фагоцитарная активность лейкоцитов, улучшались бактериостатические свойства крови, чем у аналогов (вторая группа) при без выгульном содержании при температуре 26°C.

При оптимальных зоогигиенических условиях в организме активнее накапливаются антитела, усиливается лизоцимная активность сыворотки крови и повышается содержание гамма-глобулиновой фракции белков. У животных второй группы в первые месяцы выращивания (3-4 мес.), когда терморегуляция и другие физиологические процессы протекали напряженно, было ярче выражено угнетение клеточных и гуморальных факторов защитных функций организма.

С увеличением возраста телят отрицательное действие температурно-влажностных показателей в различных экологических зонах внешней среды было выражено слабее, а разница в иммунологических показателях менее выражена. Это можно объяснить тем, что кратковременное колебание высокой температуры и низкой влажности воздуха вызывает лишь незначительную перестройку защитно-приспособительных функций организма животных.

Нами были продолжены опыты на этих же телятах, переведенных из опытных хозяйств на ферму этого хозяйства на другие технологические этапы по выращиванию и откорму молодняка крупного рогатого скота.

Для определения воздействия факторов внешней среды и интенсивной технологии на конкретных экологических условиях содержания на общее

физиологическое состояние и уровень естественной резистентности организма телят провели комплексные исследования на животных различных возрастных групп.

Например, в первом цехе (до 2 мес.) температура в среднем составляла 19,5°C, во втором (до 4 мес.) – 16-18,5°C, в третьем (до 6-8 мес.) – 12-16°C. При этом последняя группа телят находилась на свободно-выгульном способе содержания. В конце опыта прирост массы тела их был 80-125 г больше, чем по общей группе каждого технологического цикла.

В наших опытах в весенне-летние периоды года движение воздуха регламентировалось для каждой экологической зоны и технологической группы отдельно и колебалось для карантинного отделения в пределах 0,15 – 0,20 м/с, второго цеха – 0,1-0,3 и третьего цеха – 0,2-0,5 м/с. В течение суток воздухообмен составлял 16-18 кратных.

За этот период содержание аммиака в первой группе составляло 9-16,5 мг/м<sup>3</sup>, второй – 18,5-28, в третьей – 12,5 мг/м<sup>3</sup>, углекислого газа (в среднем) – 0,21-0,34 и 0,29% и меркаптанов – 0,347-0,290 мг/м<sup>3</sup> соответственно. Эти показатели с некоторыми колебаниями находились на уровне допустимых зоогигиенических нормативов. Однако, естественная резистентность организма телят была неодинаковой. Весной бактерицидная активность сыворотки крови у телят первой группы составляла 84,06%, лизоцимная активность (в среднем) – 19,08, 14,48 и 22,71% соответственно.

В южных экологических зонах в летний период повышение температуры наружного воздуха она резко повысилась и в телятниках и составила в первой группе 29°C, во второй – 30,8, в третьей – 29,4°C, что значительно повлияло на клеточные факторы защиты организма животных. Бактерицидная активность сыворотки крови у телят первой группы была ниже на 25,73%, второй – на 23,71, в третьей на 25,38%, а лизоцимная больше в первой и во второй группах на 2-9,7, а в третьей группе она уменьшилась на 5,79% против показателей весеннего периода.

При продолжительном содержании телят в экспериментальных жарких условиях ферм Наваинской области повышалось поражение желудочно-кишечного тракта на 25-30%, а при большой концентрации аммиака регистрировали заболевание органов дыхания у 45-50% животных. Однако, при создании оптимального температурного режима (18-22°C) до 4-месячного возраста и 12-20°C к 6-8 – месячному) сохранность молодняка повысилась до 98,8%, среднесуточный прирост массы увеличился на 15-25%. У них более высокие показатели естественной защитной функции организма.



За время опыта количество эритроцитов у подопытных телят колебалось от 5,9 до 7,80 млн, лейкоцитов – 6,6-12 тыс., содержание гемоглобина – 7,2-10,2 г/%, бактерицидная активность сыворотки крови составляла 75,37-92,43%, лизоцимная – 5,82-29,88, фагоцитарная активность нейтрофилов – 16,8-38,5%. Эти данные свидетельствуют о среднем уровне защитной функции организма телят на указанных фермах.

Следовательно, высокая температура оказывает значительное влияние на уровень естественной резистентности организма чистопородных, племенных телят. При температуре воздуха, превышающей 30°C у телят в возрасте 2 месяцев бактерицидная активность сыворотки крови снижается на 17,04%, лизоцимная – на 1,94%; у 4-месячных соответственно на 28,12 и 1,96%; у 6-8 – месячных бактерицидная активность уменьшилась лишь на 7,63%, а лизоцимная находилась в пределах нижнего уровня физиологических норм.

Наиболее выраженное положительное влияние на рост и развитие оказывает выращивание телят в сменных профилакториях. При этом технологическом режиме валовый прирост массы у телят увеличивается в среднем на 5,1 кг, у 4-месячных (при групповом содержании 5-10 голов) – на 7,9 кг против традиционных способов выращивания.

В условиях интенсивной технологии экологически целесообразно применение свободно-выгульного способа выращивания молодняка чистопородного скота на кормовых площадках с навесом (с 6-8 месячного возраста) по 30-40 голов. При этом уровень естественной резистентности организма животных повышается на 22-28%, увеличивается среднесуточный прирост массы на 60-105 г и резко снижается заболеваемость по сравнению с контрольными телятами.

Многолетние исследования показали, что при различных экологических условиях содержания молодняка крупного рогатого скота в помещениях с неудовлетворительным микроклиматом, где в жаркие периоды года температура в 1,5-2 раза выше допустимых норм, прирост массы телят снижается с 570-610 до 495-540 г, общее физиологическое состояние и показатели естественной защитной функции организма всего ниже нормы, а заболеваемость выше на 35-40% в основном за счет легочных болезней.

Из полученных данных видно, что с возрастом у чистопородных телят резистентность организма различно. Наиболее низкие показатели естественной резистентности отмечены в первые месяцы жизни при карантинировании, особенно в жаркие времена года. Постепенно они повышались и достигали максимума к 6-8 месяцам, причем это показывает

о тяжелом приспособлении организма телят, в конкретных эколого-географических условиях.

При температуре воздуха в телятниках в пределах 26-28°C относительной влажности 30-35% снижается прирост массы тела на 11-13%, заболеваемость увеличивается на 35-40%.

Свободно-выгульное содержание телят с 2-месячного возраста (с апреля по октябрь) способствует повышению естественных защитных функций организма. С увеличением возраста у телят увеличивается естественная резистентность организма за счет клеточных и гуморальных факторов защиты.

Закключение. Таким образом, на основе многолетних комплексных научных исследований разработанные для различных экологических зон зоогигиенические требования и ветеринарно-санитарные мероприятия могут быть использованы в проектах для научно-теоретического обоснования оптимизации условий содержания различных возрастных и технологических групп крупного рогатого скота на фермах и фермерских хозяйствах республики.

Для ферм и фермерских хозяйств по интенсивной технологии выращивания телок и откорму скота внедрены комбинированные способы вентиляции и воздухообмена, а также способы свободно-выгульного содержания животных с учетом экологических зон страны.

Предложенный комплекс зоогигиенических и технологических мероприятий, направленный на профилактику перегрева и адаптации организма племенных животных в конкретных экологических условиях позволяет поддерживать высокую резистентность, продуктивность и снизить заболеваемость скота.

### Литература:

1. Естественная резистентность организма животных. Плященко С.И., Сидоров В.Т., Ленинград «Колос», 1979.
2. Микроклимат и продуктивность животных. Плященко С.И., Хохлова И.И., Ленинград «Колос», 1976
3. Стресс факторы. Устинов Д.А., Москва, Россельхозиздат», 1976
4. Турли табиий таъсирлардан сўнг бузукларни ўсиш ва ривожланиши. Избосаров У.К., Мусинов Я.Х., Самарканд, 1997 й.
5. Рузиев Ш.М., Муртазин Б.Ф., Қулдашев О.У., Тугалов Б. Организация зоогигиенических режимов и технологических приёмов содержания крупного рогатого скота на фермерских хозяйствах. Рекомендации. Самарканд-2005 год. –С. 18.
6. Соколова О.В. Оценка биоресурсного потенциала высокопродуктивных коров при разных технологиях содержания. Автореф. дисс... канд. биол. Наук.-2007. С.19.
7. Қўлдошев О.У. Мавланов С.И. Муртазин Б.Ф.Избасаров У.К. Салоҳиддинова Х Чорвачилик билан шуғуланувчи фермер хўжалиқларида зоогигиеник ва ветеринария-санитария хизмати ни ташкил қилиш бўйича тавсиянома. Тошкент. – 2013 й. Б 54.



## ВЕТВРАЧЛАР ҲУЗУРИДА БИР КУН

83 ёшни қаршилаган бўлса-да, ўзи севган касбдан кўнглини узмаган хатирчилик Ёркул бобо Эгамбердиевни Галабек қишлоғида яшаётган ёшу қари “ветврач бобо” дея эъзозлашади. Кам ухлаб кўп юрадиган ҳам, қишлоқнинг иссиқ-совуғини биладиган ҳам, ёшу қарига жўяли гап айтадиган ҳам мана шу одам. Ундан маслаҳат сўрайдиган, автомашинасига миндириб молбозорга олиб кетадиганлар ҳам оз эмас қишлоқда. Ёркул бобонинг ховлисидаги турфа хил мевали дарахтлару экинларни кўриб билдикки, кекса ветврач ҳамон сафда, кетмон кўтариб ер чопишга, томорқани гуллантишга ишқи баланд.

– Эркак киши уйда ўтириб қолса, жисмоний меҳнатдан қочса, билингки, унинг ҳолига вой, дангасалик қилдингизми, вужудда турли оғриқлар бош кўтаради. Шу боис доимо ҳаракатдан, ёшларни ҳам шунга даъват этаман, – дейди бобо.



1 октябрь – Устоз ва мураббийлар кунини муносабати билан Хатирчи тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Шокир Тўраев бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар Ёркул бобонинг хонадонида бўлишди. Абдулла Қаршиев, иқтидорли ветврач Алишер Остонаевлар кекса ветврачнинг байрам билан самимий табриклашди, бир пиёла чой устида гурунги қизигандан кизиди.

– Эсимда, мактабда, 7-синфда ўқиётган пайтларим ховлимиздаги биттаю битта молимизни Мурод семиз деган молдухтир даволай олмасдан ўлдириб қўйганди. Ўшанда молга роса ачинганман, катта бўлсам, албатта ветврач бўламан, деганман. Орзу менга канот бўлди. Мактабни олтин медал билан битиргач, 1957 йил суҳбат билан институтга кирдим. Ёшлиқ, ажойиб даврлар эди...

У бир муддат жим қолди ва сўнг шундай деди:

– Менга дарс берган домлаларимга, устозларимга катта раҳмат, охираглари обод бўлсин. Айни чоғда нафақада бўлсам-да, газета ва журналларни муттасил ўқиб бораман. Айниқса, ветеринарияга оид мақоланинг нуқта вергулигача кўз ташлайман. Ахир шу касб орқали кадр топдим, рўзгор тебратдим. Қувонарлиси, Прези-

дентимизнинг соҳамизга эътибори катта, кўмита раиси томонидан ҳам беқиёс ўзгаришлар қилиняпти. Барака топишсин, умрлари узок бўлсин!

Ёркул бобо ҳалол меҳнат инсонни улуғлашини алоҳида таъкидлади. У 1983 йил ташаббускор ветврач сифатида тилга тушган, давлат унга “Москвич” автомашинасини мукофот сифатида берган. Шу тариқа Ёркул бобо нафақат Хатирчи туманида, балки вилоят республикада биринчи бўлиб мукофотга яп-янги автомашина минган ветврач сифатида танилди. Мухбирлар мукофот соҳибига бағишлаб шапалоқдай-шапалоқдай мақолалар чиқаришди. Газеталарнинг биринчи бетини Ёркул Эгамбердиевнинг кулиб турган қиёфаси эгаллади. Бир сўз билан айтганда, у давр қахрамонига айланди, қолди. Ва яна орадан йиллар ўтиб, Ёркул бобо 1999 йил Президент Фармонида кўра, “Шухрат” медалига сазовор бўлди.

– Ўғлим эшитдим, ветврачлик ордидан “Дамас” автомашинаси олибсан. Муборак бўлсин, – деди у “Нурмуҳаммад Ризо” зооветпункт мудири Алишер Остонаевга. – Абдулла Қаршиевнинг “Олтин тулпор” танлови ғолиби бўлгани ҳам, яқинда 60 ёшга киргани, бу катта тўйга айлангани ҳам мени қувонтирди. Бу хатирчилик ветврачларнинг катта ютуғида. Шокирбойнинг ветбўлимни маблағ топиб обод қилаётганини, оқибатли инсон эканини эса кадрлаш керак. Сизларга бир гапни айтмайми, шу ёшга кириб англадимки, қаерда аҳиллик бўлса, барака ўша жойда. Сизлар мени сўроқлаб, устоз қандай юрибсиз, деб келибсизларми, мен ҳам сизларни дуо қилай. Илоҳим, соҳамиз янада ривож топсин, ветеринарияга меҳри тушган барча кишиларнинг ризқини Аллоҳнинг ўзи берсин. Менинг ёшимга кириб, ундан ҳам ўзиб юринглар, омон бўлинглар!



Қамаши туманида бўлган кун яна бир кекса ветврачнинг учрагиди. Холмирза бобо Эшназаров, 76 ёшда, туман марказидаги ветдорихонада фарзандларига маслаҳатчи,

бирор киши молимни кўриб беринг, устоз деса бу чакирувга ҳам йўқ, демайди. Чунки кўли енгил, бир иш қилса, меҳрини бериб бажаради. Шу боис қамашилик ветврачларнинг кўпчилиги Холмирза бобога ҳавас қилади. Бобони доимо сўраб турадиган шогирдлари ҳам ўндан ортиқ. Улардан бири икки ўғлини ҳам ветврачликка ўқитиб, ўзи ҳам уларга қўшилиб ишлаётган Қаландар Қулбишев. Устозу шогирдни расмга олдик. Сўнг Холмирза бобо шундай деди:

– Очиғи, кейинги беш йилликдаги ўзгаришлар ақлни шоширади. Айниқса, чорвачиликнинг энг катта таянчи саналган ветеринарияда. Элда шундай гап бор: яхшининг хосияти элга татийди. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ташкил этиб, унга қамашилик йигит Баҳромжоннинг бош бўлгани бизнинг фахримиз. Шу йилнинг ўзида ўнлаб ёшлар “Ветврач бўламан, бобожон дуо беринг”, деб келишди. Қувондим, омад сизларга ёр бўлсин, катталарнинг йўлини берсин, дедим. Ветврач эзгуликка эш одам, эзгуликни кўзлаганни эса Аллоҳнинг ўзи доимо қўллайди.



10 йилдирки, фермерлик ортидан рўзғор тебратиб, қишлоқнинг 12 нафар ёшларини доимий иш билан таъминлаган Қорабоғ қишлоғидаги “Хусан бобо” фермер хўжалиги раҳбари Абдусалом Раҳматовнинг эътироф этишича, от миниб улоқ чопиш ҳар қандай ҳашаматли автомашинани бошқаришдан кўра завқлироқдир. Қолаверса, от минган, шу жониворга йўлдош тутинган одам қаримайди, қадри баланд бўлади. Шунингдек у чорвачилик, хусусан, йилкичиликни ривожлантиришда Қамаш туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ислоҳ Қодиров ҳамда ветучастка мудири Баҳодир Рўзиевнинг кўмаги катта бўлаётганини эътироф этди.

– Участка мудири Баҳодирбойнинг қўлидан микрофон тушмайди, кунора овозини эшитаман. “Ҳайвонларни ўз вақтида эмлатинг, итларни, мушукларни эътиборсиз қолдирманг, сигир ва ғунажинлар қисир қолмасин”. Ана шунақа эълонларни илк бор овозкучайтиргич орқали эшитганимизда, ҳайратга тушгандик, ҳозир ўрганиб қолдик. Чунки қишлоғимизнинг хўроздан ҳам эрта ту-

радиган ветврачи тинмайди, ишининг сифати ҳам зўр, топиш-тутиши ҳам шунга яраша. Муҳими, қишлоқ аҳли ундан миннатдор. Дарвоқе, Баҳодирбойга уч йил илгари кўмита томонидан мукофот сифатида мотоцикл ҳам берилган. Барака топсин, – дейди фермер.

Фермер эътироф этган Баҳодир Рўзиев шу қишлоқнинг фарзанди, ветврач сифатида шогирди Мойли Баратов билан бирга 10та қишлоқдаги барча хонадонларга кириб, эпизоотик тадбирларни бекаму кўст бажаришга интиломда. Чунки вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шухрат Эшматов шундай топшириқ берган: “Қишлоқда хонадонма-хонадон юриб, кимнинг уйида қанча жонивор борлигини, уларнинг қайси хавfli касалликка қарши эмланганини, қанча сигир ё ғунажин қайси буқа уруғи билан сунъий уруғлантирилганини билмаган, одамларнинг дардини, ташвишини ҳис этмаган мутахассис яхши ветврач эмас. Сиз одамларга яқин бўлиб инсофни, диёнатни унутмаган ҳолда кўмитамиз раисининг эпизоотик барқарорликни таъминлаш борасидаги кўрсатма ва буйруқларига таянган ҳолда ишланг, фаолиятингиз албатта қадр топади.”

– Ҳудуддаги 821та хонадоннинг ҳар бири учун махсус дафтарлар тутилган. Ана шу дафтарга қараб, ишимизнинг самарадорлигини билиш мумкин. Бундан ташқари, насли мол боқиш, қуёнчилик, асаларичилик билан шуғулланишни ҳам аҳоли ўртасида тарғиб этияпмиз. Бу тармоқлар ҳам ривож топса, ҳар бир оила ўз-ўзини банд қилган ҳолда рўзғор тебратса, шунинг ўзи тўқинлик демакдир. Бу борада эса чавандозликка астойдил меҳр қўйган Абдусалом ака ва унинг фарзандлари барчамизга ибрат бўлаётир, – дейди ветврач.



Қарши шаҳридаги Яккасарой кўчаси, 6-уйнинг ҳовлисида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасининг бўлим бошлиғи Фаҳриддин





Саримсоқовни қашқадарёлик ҳамкасблари билан уч-рагдик. Хонадон соҳиби Ғулом Сатторовнинг эътирофи этишича, ветврачлар шу йилнинг ўзида учинчи бор молларни кўргани келишмоқда. Илгари бундай эътибору назорат бўлмаган. Ғулом Сатторов тут дарахти соясига боғланган қорамолни ушлаб турди, тажрибали ветврач Шухрат Ҳамдамов ва унинг ёрдамчиси Жўрабек Эркаев эмламани қилишди. Бирин-кетин 4 бош қорамол, 25 бош парранда ветеринария кўригидан ўтказилди. Қилинган ишлар шу заҳоти уй дафтарига қайд этилди.

– Ҳайратингиз ошади, Қарши шаҳри ҳам энига, ҳам бўйига ўсиб борапти. Шунга яраша аҳоли сони ҳам чорвачилик билан шуғулланаётган кишилар ҳам кўпаймоқда. Бу биз учун қўшимча имконият, – дейди Қарши шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ўқтам Баҳриддинов. – Айни чоғда 4та ветучасткадаги барча мутахассисларимиз туну кун ишда. Чунки ҳайвон одам сингари иссиқ жон, касаллик ҳам вақт танламайди. Тунми, кунми, қўнғироқ қилишса, бас, борилаверади. Шу тахлит биз аҳоли ўртасида ветеринария йўналишидаги тарғибот-ташвиқот ишларимизни ҳам ташкил этаяпмиз.

Ўзбекистон туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Низомжон Абдуллаев билан “Қайнар” фермер хўжалигида бўлганда, фермер Баҳромжон Арифбаев аччиқ ҳақиқатни эътироқ этди.



– Сигирларни оқсил касаллигидан сақлаш учун ветврач маслаҳатига катъий амал қилиш керак. Чунки оқсил деган балонинг 21 та типиди, 72 та серотипиди бўларкан. Очиғи, ўзим илгари савдо ишлари билан шуғулланганман.

Ҳозир ҳам асосий фойдам савдодан. Дўстларнинг маслаҳати билан шу фермани олдим. Чорвам кўпайса, насли моллар яхши сут берса, фойда оламан, деган ниётда икки йил илгари четдан 62 бош зотдор ғунажинлар олиб келдим. Жониворлар туғди, бузоқлар кўпайди, аммо шу йил бошида қаердан келди, билмадим, аммо оқсил балоси туфайли 34 бош бузоқ туғилиш чоғида ўлиб қолди. Шунингдек, бу касаллик жониворнинг маҳсулдорлигини кескин тушириб юборар экан. Айни чоғда озуқа зўр бўлса-да, 40 бош сигир бор-йўғи 200 литр сут берапти. Бу ўз-ўзидан равшанки, харажатларни оқламайди, – дейди фермер. – Шу боис Низомжон ака билан маслаҳатлашиб турибман, зўр ветврачни ишга олиб, барчасини қайтадан бошлаймиз.

Мулқдор ҳамроҳлигида Низомжон Абдуллаев билан фермадаги сигирларни кўздан кечирдик. Ветврач молбоқарларга ўз маслаҳатини берди, баъзи сигирларнинг елини кичрайиб қолган, баъзилариники туршакдек

буришган. Касаллик асорати фермага катта зарар келтиргани яққол кўзга ташланмоқда. Хайрлашар чоғ фермер шундай деди:

– Сизлардан илтимос журналда оқсил касаллиги ва унинг асоратлари ҳақида кўпроқ ёзинг. Фермерлар билсин, хатога йўл қўйишмасин. Сўнг албатта таъкидлаб қўйинг, насли мол боқишга киришдингизми, молингизни тажрибали, зукко ветврачга кўрсатинг, ана шунда асло адашмайсиз.



Тажрибали мутахассис Ботир Душаевнинг сўзларига қараганда, Жомбой туманида 31 минг 946та хонадон мавжуд ва уларнинг аксариятида чорва боқилипти. Паррандачилик, қўёнчилик, асаларичилик билан шуғулланаётган кишилар ҳам оз эмас. Бундан ташқари, 20та ветучасткада ишлаётган ветеринария ходимлари мол бозорларидаги ҳолатни ҳам мунтазам назоратга олишган. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ташаббусига кўра, ички ишлар бўлими, фавқулодда вазиятлар бўлинмаси ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда маҳаллаларда ўнлаб учрашувлар, семинарлар ташкил этилди. Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг янги бошлиғи Алишер Нуруллаев ҳар бир ветучастка мудири ва мутахассислар билан маҳаллабай ишлаш ҳақида суҳбатлар ўтказгани ҳам самара бермоқда. Қилинган ишлар расмларга муҳрланган ҳолда телеграм каналга жойланипти. Қайси участкада иш самарадорлиги қандай, муаммолар нималардан иборат ва уларни бартараф этиш жараёни ҳамкасблар кўз ўнгида намоён бўляпти. Бу ҳам ветеринария назоратини тўлиқ таъминлаш имконини яратмоқда.

– Барча шароит бор, қўмитамиз раҳбари, бошқарма бошлиғи, керакли воситаларни, эмламаларни ўз вақтида етказиб берапти. Мутахассислар малакасини ошириш масаласи ҳам назардан четда қолгани йўқ. Шундай экан, фақат ишлаш керак, баҳонага асло ўрин йўқ, шунингдек, биз яқинда кекса ветврачларни бўлимга таклиф қилиб, бир пиёла чой устида маслаҳатини, дуосини олдик. Ёш мутахассислар ғайратини тажриба билан уйғунлаштирсак, ишимизнинг сифати янада ошади. Бугун ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда меҳнат қиляпмиз, – дейди бўлимнинг янги раҳбари Ботир Душаев.

Абдунаби Алиқулов, журналист